Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 123 (3624)
1 ПАЙШАНБА
ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев кеча Прага градида ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусакка — Октябрь революцияси орденини, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитетининг секретари В. Билякка — Ленин орденини топширди. Совет Иттифоқи юксак давлат мукофотларини топшириш ҳақидаги хабар бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

◆ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси кеча Прагадаги Витков тепалигида Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

Делегация аъзолари шу тепаликда қурилган пантеонда бўлдилар. Улар гулчамбарлар қўйганларидан кейин бир минут сукут сақлаб, Чехословакия ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, республиканинг ишчилар орасидан чиққан биринчи президенти Клемент Готвальднинг, Чехословакия халқининг бошқа таниқли ўғил ва қизларининг хотирасини ҳурматлаб эсга олдилар.

ПРАГА ГРАДИДА МУЗОКАРАЛАР

30 майда Прага градида Л. И. Брежнев (делегация бошлиғи), В. В. Щербицкий, К. В. Русаков, И. В. Архипов, В. Ф. Мальцев ва В. В. Мацкевич ўртоқлардан иборат составдаги СССР партия-хукумат делегацияси билан Г. Гусак (делегация бошлиғи), Л. Штроугал, В. Биляк, Й. Кемпний, Й. Ленарт, В. Гула, Б. Хнеупек, Ч. Ловетинский ўртоқлардан иборат составдаги ЧССР партия-ҳукумат делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Делегациялар ҳозирги даврда ҳар иккала мамлакатда социалистик жамиятни ривожлантириш тажрибаси тўғрисида, КПСС ва ЧКПнинг партия қурилиши ва тарбиявий-мафкуравий ишларининг бориши ҳақида, экономикани ривожлантириш ва хўжалик юритишнинг энг самарали усулларини ишлаб чиқиш тўғрисида, социал сиёсат ҳақида фикрлашиб олдилар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардошларча ҳамкорлигида, тинчлик иши ва халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш учун биргаликда олиб борилаётган курашда, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг коллектив мудофаасини таъминлашда ҳар иккала давлатнинг актив иштирок этаётганлигидан мамнуният изҳор этилди.

Қардош мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш, уларнинг халқ хўжалик планларини координациялаш, хўжаликларнинг энг муҳим тармоқларида ихтисослаштириш ва кооперациялашни чуқурлаштириш муҳим эканлиги таъкидланди.

Ўзаро муносабатларга доир масалаларни муҳокама қилиш чоғида тўла сиёсий бирлик қайд қилиб ўтилди ва ҳар иккала томон барча соҳаларда Совет — Чехословакия муносабатларининг даражаси ва сифатини социалистик интернационализмнинг, ҳар иккала мамлакат партиялари, давлатлари ва халқлари ўртасида бирлик ва жипсликнинг мустаҳкам негизига асосланиб янада кучайтиришни таъминлашга қатъий аҳд қилганликлари таъкидлаб ўтилди.

Муҳим халқаро масалалар хусусида батафсил фикрлашиб олинди.

Ҳозирги халқаро вазиятнинг зиддиятли эканлиги қайд қилинди. Бу эса халқаро кескинликни янада юмшатиш ҳамда давлатлараро тинч ҳамкорлик жараёни империализм ва реакция кучларининг, кескинликни юмшатиш душманларининг, қуролланиш пойгасини кучайтириш тарафдорларининг зўрайиб бораётган қаршилигига дуч келаётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Тинчлик ишига душман бўлган шу кучлар халқаро можаролар туғдиришга интилмоқдалар, бошқа давлатларнинг, хусусан, Африкадаги ва Яқин Шарқдаги давлатларнинг ишларига аралашмоқдалар, социалистик мамлакатларнинг олиб бораётган сиёсатига бўҳтон ёғдирмоқдалар, уларнинг бирлигини бўшаштиришга уринмоқдалар.

Совет ва Чехословакия партия-ҳукумат делегациялари СССР билан ЧССР халқаро кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, халқаро хавфсизликни ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш йўлини ўтказишга қатъий аҳд қилганликларини яна таъкидлаб ўтдилар. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун кураш бу жиҳатдан ҳозир энг асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Бу масалада ҳар иккала мамлакатнинг тутган позицияси аниқ равшан, изчил ва конструктив позициядир. Чехословакия томони БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишланган махсус сессиясида Совет Иттифоқининг қилган таклифларини, шунингдек стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида олиб борилаётган музокараларда Совет Иттифоқининг тутган позициясини тўла равишда қўллаб-қувватлашини билдирди.

Музокаралар давомида Яқин Шарқдаги можарони ҳамда Африкадаги аҳволни тинч бартараф этиш масалаларида ҳар иккала томон тамомила бир хил позицияда турганликлари таъкидлаб ўтилди. НАТО мамлакатларининг Заирдаги қуролли интервенцияси якдиллик билан қораланди.

Музокаралар самимият, тўла ҳамжиҳатлик ва қардошларча бирдамлик вазиятида ўтди.

Музокараларда, шунингдек: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Г. Х. Шахназаров; Чехословакия томонидан — ЧКП Марказий Комитети халқаро сиёсат бўлимининг мудири А. Вавруш, ЧКП Марказий Комитети Бош секретари секретариатининг мудири В. Вайнер, ЧССР президенти маҳкамасининг мудири Ф. Шалда, ЧКП Марказий Комитети халқаро сиёсат бўлими мудирининг ўринбосари М. Штефаняк қатнашдилар.

(ТАСС).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ — СОВЕТ ДЎСТЛИГИНИНГ ҚУДРАТЛИ НАМОЙИШИ

ПРАГАДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

ПРАГА, 31 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун бу ерда Чехословакия партия, давлат ва ҳукумат органлари ҳамда Миллий фронт ташкилотлари вакилларининг ўрток Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси билан учрашувига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Прага градининг Испан залига ЧКП Марказий Комитетининг аъзолари, ЧССР Федерал мажлисининг депутатлари, Миллий фронт партиялари ва ташкилотларининг вакиллари, республика меҳнат илғорлари, ёзувчилари, олимлари, маданият арбоблари, Чехословакия коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ветеранлари тўпланишди.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар ўринларидан туриб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни, ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусакни гулдурос, давомли қарсаклар, «КПСС — ЧКП!», «Яшасин Совет Иттифоқи!» сўзлари билан кутиб олдилар.

Улар билан бирга Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЧССРдаги элчиси В. В. Мацкевич ҳам президиумда ҳозир бўлишди.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ҳозир бўлдилар.

Президиумда ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. Биляк, К. Гофман, В. Гула, А. Индра, А. Капек, Й. Кемпний, Й. Корчак, И. Ленарт, Л. Штроугал, П. Цолотка, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар М. Грушкович, М. Якеш, Чехословакия Коммунистик партияси ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари ўтиришдилар.

ЧССР билан СССРнинг давлат гимнлари ижро этилади.

Йиғилишни ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал очди.

Биз, деди у, энг азиз меҳмонларни, Ленин мамлакатининг намояндалари — чехословак халқининг улуғ дўсти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегациясини табриклаш учун тарихий Прага градига тўпландик.

Тўпланганлар бу сўзларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сизнинг Чехословакияга қилган визитингиз май ойига тўғри келганлиги ғоят қувончли бир ҳолдир. Озодликка эришганлигимизнинг унутилмас жонли хотиралари шу май кунлари билан чамбарчас боғланган.

Биз ҳозирги кунда халос бўлганимиздан кейин биринчи социализм мамлакати билан бирга босиб ўтган катта йўлимизни миннатдорчилик, ҳурмат ва муҳаббат билан эсга оламиз. Биз совет халқи ва унинг ленинчи Коммунистик партиясининг Чехословакияда социализм қурилишида, унинг ғалабаларини ҳимоя қилишда берган буюк ва беғараз ёрдамига миннатдорчилик, ҳурмат ва муҳаббат билан юксак баҳо берамиз. Қардошларча иттифоқ ва ўзаро ҳамкорлик бизга жуда катта ишонч бахш этди.

Биз халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, Чехословакияни озод қилишда бевосита қатнашган ва мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда катта хизмат кўрсатган кишини, ҳаммамиз учун азиз Леонид Ильич Брежневни яна бир бор табриклашимиздан астойдил хурсандмиз, деди нотиқ тантанали йиғилиш қатнашчиларининг давомли қарсаклари остида.

Йиғилишда Прага метроси қурувчиларининг бригадири, ЧССР Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Литвак сўзга чиқади. У Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет делегациясини қизғин табриклади. Чехословакия меҳнаткашлари, деди ишчи, ўрток Л. И. Брежневни бизнинг энг яқин дўстимиз — совет халқининг атоқли раҳбари сифатида яхши биладилар.

Биз, деб таъкидлади М. Литвак, ривожланган социалистик жамият қурилишида Совет Иттифоқининг тажрибасига таяниб, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан, шу жумладан, Прага метроси қурилишида ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлганлигимиз билан бахтиёрмиз. Совет Иттифоқининг Чехословакияга ёрдами социалистик интернационализм принципларини амалга оширишнинг ёрқин намунасидир. Совет ишчилар синфи, бутун совет халқи бу принципларга содиқдир.

Бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативи «Шоторня»нинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Гала Чехословакия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг муваффақиятларини таъкидлаб ўтди. У айтдики, Чехословакиянинг социалистик қурилиш йўлида эришган муваффақиятлари ЧССР ва СССРнинг қардошларча ҳамкорлиги билан чамбарчас боғланган. Бу ҳамкорлик доим ривожланиб бормоқда ва яхши истиқболларга эгадир.

Чехословакия Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Б. Квасил ЧССРда фан ва маданиятнинг кўпгина соҳаларини ривожлантиришда катта ёрдам берганлиги учун Чехословакия олимлари, маориф ва маданият ходимлари номидан СССРга, Советлар мамлакатининг халқига ва шахсан ўрток Л. И. Брежневга миннатдорчилик изҳор қилди. Бортида халқаро экипаж бўлган космик кеманинг жаҳондаги биринчи парвози, деб таъкидлади нотиқ, Чехословакия фанини муваффақиятли ривожлантириш учун Совет Иттифоқи билан илмий-техникавий ҳамкорлик ғоят муҳим эканлигини ёрқин исбот этувчи далилдир.

Олий иқтисодий мактабнинг студенти Э. Якубова айтдики, совет халқи, совет ёшлари, уларнинг қаҳрамонона ўтмиши ва ҳозирги даври ЧССР ёшлари учун ўрнакдир. Азиз ўрток Брежнев, Сизнинг сиймонгизда, бутун ҳаётингиз ва фаолиятингизда совет кишиларининг, совет коммунистларининг энг гўзал, энг олижаноб фазилатлари мужассамлашганини кўриб турибмиз. Сизнинг Кичик ердаги қаҳрамонона жанглар ҳақидаги ва урушдан кейинги йилларда совет халқ хўжалигининг тикланиши тўғрисидаги хотираларингиз Чехословакия ёшларида унутилмас таассурот қолдирди. Биз Сизнинг Ленин комсомоли XVIII съездида сўзлаган ёрқин нутқингизни ҳам зўр эътибор билан ўқиб чиқдик. Сизнинг совет комсомолларига мурожаат қилиб айтган гапларингиз, деб таъкидлади Э. Якубова, биз учун, барча чехословак ёшларининг ҳаёти ва меҳнати учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Халқаро космик экипажнинг яқинда қилган парвози Чехословакия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли равишда ривожланиб бораётганлигини кўрсатувчи ёрқин мисоллардан биридир, — дейди ЧССРнинг космонавт учувчиси В. Ремек. У Чехословакияга ўз гражданини космик парвозга юбориш имконияти берилганлиги учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига, ўрток Л. И. Брежневга, Совет ҳукуматига, бутун совет халқига миннатдорчилик изҳор этди.

В. Ремек Чехословакия Қуролли Кучлари номидан Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни ишонтириб айтдики, Чехословакия Қуролли Кучлари бундан буён ҳам тинчлик ва социализм посбонлигида мустаҳкам турадилар, социалистик Чехословакиянинг ҳар бир жангчиси Совет Иттифоқи билан дўстликни янада мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилади.

Йиғилишда самимий кутиб олинган ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак нутқ сўзлади.

Ўрток Г. ГУСАК нутқи

Азиз ўрток Брежнев!

Совет Иттифоқидан келган азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Ҳурматли ўртоқлар!

Биз қувончли, тантанали туйғуларга тўлиб-тошиб турибмиз. Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, ЧССР ҳукумати, Миллий фронт Марказий Комитети номидан, бутун чехословак халқи номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, халқимизнинг қалин дўсти Чехословакия Социалистик Республикасининг икки марта қаҳрамони ўрток Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегациясини астойдил табриклаймиз. **(Гулдурос қарсаклар).** Биз сизларни қадимий Прага градида, сизлар билан биз саккиз йил муқаддам дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги янги Шартномани имзолаган жойда энг азиз меҳмонлар сифатида табриклаймиз. Совет Иттифоқидан келган азиз ўртоқлар, гуллаб-яшнаган Прага сизларни чехословак халқимиз қирқ бешинчи йилнинг шонли кунларида ўз совет халоскорларини табриклаб кутиб олганидек сидқидилдан табрикламоқда. Сизларнинг визитингиз туфайли юзага келган шодлик туйғумизга бутун ватанимиз гражданлари ҳам қўшилмоқдалар. Башарти, имкони бўлганида, ҳамма шаҳарларимизнинг, барча қишлоқларимизнинг аҳолиси сиз билан қўл бериб кўришишга орзуманд эдилар. Сиз орқали биз бутун кўп миллионли партиянгизни ва унинг раҳбарларини, шунингдек қардош Советлар мамлакатининг бутун халқини табриклаймиз.

(Давомли қарсаклар).

(Давоми иккинчи бетда).

КАТТА ДОВОНДАН ОШИШДИ

БУГУН

марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 127-автокорхонанинг Георгий Мезников бошлиқ ҳайдовчилар бригадаси коллективи ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Илғор ҳайдовчилар коллективи беш йиллик бошидан бери 422 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташиб, 10 миллион 826 минг тонна-километр юк оборот қилди. Катта меҳнат ютуғини қўлга киритишда айниқса ҳайдовчилардан А. Хўжаев, Ф. Шукруллаев, В. Андросов каби меҳнат пешқадамларининг улуши салмоқли бўлди.

Бригада 20 тонналик контейнерларни Шумилов темир йўл станциясидан шаҳримизнинг корхоналари, қурилишлари, муассасаларига ташийди. Коллектив бригада пудрати методида ишлаб, ярим прицепларни моки усулида алмаштириш методини жорий этиб, транспортнинг бекор юришига деярли мутлақо барҳам берган.

Бригада йил охиригача топшириққа қўшимча 72 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташиш, 2 минг сўмлик ёнилғи, резина тежаш бўйича қўшимча мажбурият олди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Партия ўқуви, иқтисодий таълим ва комсомол сиёсий ўқуви шохобчалари пропагандистлари олдида якунловчи машғулотларни юксак савияда ўтказиш вазифаси турибди. Агрегат заводи партия комитети ана шу якунловчи машғулотларга қандай тайёргарлик кўрилаётганини муҳокама қилди.

Иқтисодий таълим бўйича методик совет раиси А. Юнусов, корхона комсомол комитети секретари В. Мамадалиев иқтисодий таълим ҳамда партия ва комсомол сиёсий маорифи шохобчаларида якунловчи машғулотларга пухта ҳозирлик кўрилаётганини таъкидладилар, шунингдек айрим масалаларга эътиборни қаратишди.

Партком қабул қилган қарорда ўқув йилини муваффақиятли якунлаш билан боғлиқ муҳим тадбирлар белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг соғлиқни сақлаш органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Козимбек Маннопбекович Қаҳҳорбековни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЯНА КЎРИШГУНЧА ХАЙР, ТОШКЕНТ!

V INTERNATIONAL FESTIVAL OF FILMS FROM ASIA, AFRICA AND LATIN AMERICA
TASHKENT
May 23 to June 1, 1978

УЧ ҚИТЪА КИНО УСТАЛАРИ СЎЗЛАЙДИ

Ж. БУНТАР,

кинорежиссёр (МХР)

Тошкентда ўтказилган учрашувлардан ғоятда мамнунман. Ўн кунлик фестиваль бир дақиқадек ўтиб кетди. Бир олам таассуротлар, дўстона ижодий суҳбатлар, зиёратлар мароқли бўлди. Энг муҳими фестивалдаги ишларимиз қизиқарли ва жўшқин ўтди.

Монголияда халқ ҳокимияти ўрнатилганлигининг дастлабки йилларида бизнинг халқимиз совет халқининг яқиндан берган дўстона, беғараз ёрдамини яхши ҳис этиб турди. Бу ёрдам киносанъатимизнинг ривожланишида ҳам ўзининг ифодасини кўрсатди.

Тошкент билан хайрлашар эканман ана шу кино анжуманини юксак савияда ўтказган барча совет кино усталари, шу фестивалнинг ташкилотчиларига чин қалбдан миннатдорчилик изҳор қиламан.

Мариала ВЬОЛАНТЕ,

режиссёр (Мексика).

Лотин Америкаси вакиллари Ўзбекистон пойтахтида ўтказилаётган фестивалда иккинчи марта расмий равишда қатнашишди. Ўтган фестивалда Мексиканинг «Қўзиқорин одам» деган лентаси яхшигина муваффақият қозонган эди. Бу сафар ҳам ютуққа эришдик. «От ва қўшиқчи», «Ўғил бола ва акула» ва бошқа фильмлар ҳам ана шу Тошкент кинофестивали томошабинларининг таҳсинига сазовор бўлди.

Биз Мексика делегациясининг аъзолари бошқа мамлакатларнинг кинематографчилари каби самимий меҳмондўстлик, дўстона суҳбатлар ва фойдали учрашувларни янада яққолроқ ҳис этдик. Тошкентликларни чин қалбдан қутлаймиз.

Яна учрашгунча хайр, серқуёш ўлканинг гўзал пойтахти.

Альмардо ГИНАПО,

революцион кино департаментнинг раҳбари (Ангола).

Тошкент кинофестивалига биринчи сафар келганимизда биргина ҳужжатли лента олиб келган эдик. Бу сафар икки картинани тақдим этдик. Келгусида кўпроқ картиналар олиб келишга ҳаракат қиламиз.

Бизнинг фильмларимиз нима ҳақида фикр юритади? Албатта, биринчи навбатда бизнинг ёш республикамиз, Ангола революцияси, озодликка эришган халқнинг меҳнат жўшқинлиги ҳақида ҳикоя қилади. Тошкент кинофестивалида қатнашиш биз учун кўпгина ёш мустақил давлатларнинг кинематографчилари учун ажойиб мактабдир. Фестивалда яққол намоён бўлиб турган дўстона муҳит, ижодий муносабатлар кайфияти биз учун ҳам, барча тараққийпарвар кинематографистлар учун ҳам жуда қадрдондир.

Анонг САКПРАСЕТ,

кинорежиссёр (Лаос).

Мана ниҳоят кинофестиваль билан, Ўзбекистоннинг гўзал шаҳри билан хайрлашадиган дамлар ҳам бошланди. Албатта, хайрлашиш вақтинчалик. Биринчидан, навбатдаги киноанжуманга келиш ва унда ҳозир суратга олаётган келажак ҳақидаги фильмимизни кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Иккинчидан, совет киноусталарининг Лаос кинематографчилари билан алоқалари мустаҳкамдир. Бу ерда Бутуниттифоқ давлат кинематография институтида ёш кадрларимизнинг таълим олаётганлигини, совет киносанъати усталарининг тажрибаларидан уларнинг фильмлари, мақолалари, лекциялари ва суҳбатлари орқали баҳраманд бўлаётганлигимизни айтиб ўтиш керак.

Бир сўз билан айтганда фестиваль ниҳоясига етди, лекин ижодий алоқаларимиз давом этади.

Ирина МИРОШНИЧЕНКО,

киноактриса, (СССР).

Ҳозир бир неча фильмларда суратга тушяпман. Вақт жуда зиқ. Лекин Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг V Тошкент Халқаро кинофестивалига келиш таклифини бажонидил қабул қилдим. Бу ерда жуда кўп самимий ижодий учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтди, биз бир-биримизни янада яхшироқ билиб олдик.

Ўзбекистон пойтахти аҳолисининг меҳмондўстлиги катта таассурот қолдирди. Айниқса, Тошкент шаҳрида, Янгийўл районидаги хўжаликда, Бухорода, умуман Тошкент киноанжуманининг қатнашчилари қаерда бўлишмасин, ўша ерда уларга самимий пешвоз чиқишди. Кино анжумани мутасаддиларига, барча тошкентликларга, серқуёш ўлкангизнинг барча аҳолисига қулай имконият яратиб берилганлиги учун чин қалбдан ташаккур айтишни истайман.

• Маданият янгилиги

ТЕАТР БАҲОРИ

БУГУН

ишлаб чиқариш корхоналари қошидаги маданият саройларида Тошкент театр баҳорининг программасига биноан спектакллар кўрсатиш давом этади.

Тошкент область касаба союзлари Совети ва область бадиий ҳаваскорлик ижоди уйи ана шу тадбирни меҳнаткашлар коллективлари ўртасида бадиий ҳаваскорликни янада ривожлантириш, халқ театрларининг репертуарини мамлакатимиз драматургларининг замонавий асарлари билан бойитиш, ҳаваскорларнинг ютуқларини ишчилар ўртасида кенг пропаганда қилиш мақсадида ўтказмоқда.

20 июнгача давом этадиган бу катта маданий тадбирда Тошкент политехника институтининг студияси, тўқимачилар маданият саройининг «Оптимист» халқ театри, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бирлашган маданият саройи драматик коллективлари энг яхши спектаклларни намойиш қилишмоқда.

Томошабинлар ҳаваскорлар ижросида Маяковскийнинг «Саҳифаларни варақлаб», Шварцнинг «Соя», В. Славикнинг «Қаҳратон» асарлари билан танишишади.

Театр баҳорининг программаси ранг-баранг бўлиб, у олий ўқув юртларида, корхоналарда, колхозларда ўтади. Ижрочилик маҳорати бўйича ғолиб чиққан коллективларга дипломлар берилади.

• Шаҳар — қишлоққа

СУВ КЕЛАДИ...

Ўзбекистон мелиораторлари ерларни суғоришда катта тажрибага эга. Улар ихтиёрида кучли насослар, автоматика ва телемеханика воситалари бор. Бу ускуналар йирик гидротехника иншоотларига ўрнатилган. Ҳар йили сув иншооти қурувчилари янги каналларни, гидроузелларни, насос станцияларини республиканинг барча областларида ишга туширишади.

Булар учун Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги корхоналари ускуналар етказиб беришади. Яқинда Тошкент шаҳар ва Тошкент области махсус ремонт-ишлаб чиқариш экспериментал корхонаси марказий базаси Мирзачўл мелиораторлари учун ускуналарнинг навбатдаги катта партиясини юборди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **БУДАПЕШТ. Венгриядаги «Фермунаш» қурилиш материаллари заводи Усть-Илимск целлюлоза комбинати учун металл конструкциялар жўната бошлади. Булар — металл дераза ромлари ва шип конструкцияларидир. Бу йил Венгрия заводи Усть-Илимскка алюминийдан тайёрланган 38 минг квадрат метр турли конструкциялар жўнатади.**

● БУЭНОС-АЙРЕС. Пекин раҳбарлари Чилидаги фашист хунтаси билан алоқаларни кенгайтирмоқда. Чилининг «Сокимич» компанияси билан ХХР ўртасида Хитойга 15 минг тонна селитра етказиб бериш тўғрисидаги шартнома имзолангани яқинда маълум бўлди.

Чили матбуотининг таъкидлашича, бу битим Пиночет режими билан Пекин раҳбарлари ўртасида «савдо-иқтисодий алоқаларнигина эмас, шу билан бирга сиёсий алоқаларни ҳам янада яхшилашга ёрдам беради».

● **ДЕҲЛИ. Совет мутахассисларининг ёрдамида Орисса ва Андхра-Прадеш штатлари территориясида топилган конда, Ҳинд геологларининг ҳисобига кўра, бир миллиард тоннадан зиёд боксит бор. Яқин келажакда бу ердаги боксит саноат кўламида қазиб чиқарила бошланади ва унинг базасида йирик глинозём заводи қуришга киришилади.**

● ДАМАШҚ. Сурия Араб Республикасида кооператив ҳаракати тез суръат билан ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда қарийб тўрт мингта кооператив бўлиб, уларга 260 мингдан кўпроқ деҳқон оилалари бирлашган.

Давлат ерни биргаликда ишлайдиган ва маҳсулот сотадиган деҳқонларнинг ана шундай бирлашмаларни ҳар томонлама рағбатлантирмоқда. Давлат бундай бирлашмаларни деҳқонларни хўжалик юритишнинг коллектив формасига жалб этишнинг муҳим усули деб ҳисоблайди. Давлат кооперативларга кредитлар беради, уруғлик фондлари, ўғитлар билан таъминлайди, қишлоқ хўжалик машина-механизмларини етказиб беради, мутахассислар тайёрлашни ташкил қилади маҳсулотни сотиб олади.

Ана шундай ёрдам туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда кооперативларнинг роли доимо ошиб бормоқда.

(ТАСС).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ — СОВЕТ ДЎСТЛИГИНИНГ ҚУДРАТЛИ НАМОЙИШИ

Ўртоқ Г. ГУСАК нутқи

(Боши биринчи бетда).

Азиз ўртоқ Брежнев!

Биз сизни Ватанимиз озодлигининг бевосита қатнашчиси, Ленин партиясининг, совет халқининг содиқ фарзанди сифатида, принципиал марксчи-ленинчи ва эътиқодли интернационалист сифатида, коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг доно ва тажрибали атоқли арбоби сифатида ҳамда бутун дунёда мустаҳкам тинчлик учун толмас курашчи сифатида астойдил ҳурмат қиламиз. Халқимиз Сизга нисбатан самимий дўстлик туйғулари билан яшаб турибди, жасур, заковатли ва саховатли инсон, бизнинг дилимизни доимо тушунадиган яқин ва содиқ дўст бўлган Сизни севади. **(Давомли қарсаклар)**.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг визити партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги бузилмас дўстлик ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари доимо мустаҳкамланиб бораётганлигининг яна бир ёрқин ифодасидир. Бизнинг ўзаро муносабатларимизнинг чуқур тарихий илдизлари бор. 60 йил муқаддам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг таъсирида мустақил Чехословакия давлати вужудга келди. Биз шонли Совет Армияси Ватанимизни озод қилганидан кейингина Улуғ Октябрь ғояларини социалистик воқелигимизда амалга оширишга муваффақ бўлдик. Мамлакатимизда социализм қурилишининг 30 йиллик тажрибаси муносабатларимизни доимо мустаҳкамлаш халқларимизнинг туб манфаатларига, социалистик ҳамдўстликнинг бирлигига тўла-тўкис мос бўлиб тушишини, бутун дунёда социализм, тараққиёт ва тинчлик манфаатларига хизмат қилишини яққол исботлаб турибди.

1970 йилда имзоланган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома қардошлик муносабатларимизнинг энг муҳим негизларидан биридир. Бу Шартнома муштарак тарихий тажрибани акс эттиради ҳамда дўстликни ва турмушнинг барча соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар очади. Бу Шартнома мамлакатимиз хавфсизлигининг ва ривожланган социалистик жамият қурилишининг мустаҳкам гарови эканлигини кундалик тажриба тасдиқлаб турибди. Азиз ўртоқ Брежнев, Сиз Шартнома имзоланаётган вақтда: «Орадан йиллар ва ўн йиллар ўтар, аммо бизнинг Шартномамиз совет ва чехословак халқларининг манфаатларига, тинчлик ва социализм улуғ ишига садоқат билан хизмат қила беради», деб айтган сўзларингиз рўёбга чиқмоқда. **(Давомли қарсаклар)**. Халқимиз кундалик фидокорона меҳнати билан бу Шартномага ўртоқ Готвальднинг: «Совет Иттифоқи билан абадий биргамиз ва асло бундан бошқача бўлмайди», деган барҳаёт васияти руҳида янги мазмун бахш этмоқда. Шу тариқа у ўз туйғулари ва тарихий тажрибасини ифода этмоқда. **(Давомли қарсаклар)**.

Совет халқининг чуқур интернационализми ва беғаразлиги Совет Иттифоқининг бутун дунё меҳнаткашларига, тараққийпарвар кучларига муносабатларида акс этмоқда. Бизнинг мамлакатимизда социалистик революциянинг ғалабаси учун кураш ва янги жамият қуриш даврида ҳам бу нарса яққол намоён бўлди. Социализм қурилишининг мураккаб вазифаларини ҳал этишда биз совет тажрибасининг битмас-туганмас чашмасидан баҳраманд бўлиб келяпмиз, Совет Иттифоқининг бевосита ёрдамини кун сайин сезиб турибмиз.

Совет Иттифоқи ҳамиша бизнинг тарафимизда садоқат билан турганлигини ва зарур чоғда, бизга ҳеч иккиланмай, беғараз ёрдам берганлигини асло унутмаймиз. Ўн йил муқаддам, Чехословакияда социализмнинг тақдири ҳал этилаётган пайтда ҳам шундай бўлди. Орадан бир неча йил ўтгач, биз Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг интернационал ёрдамини яна юксак баҳоладик. Халқимизнинг революцион ғалабаларини сақлаб қолиш йўлида чехословак коммунистлари ва партиясизларининг кўпдан-кўп илтимосларини қондиришга тарихий қарор қилинганлиги социалистик интернационализмга содиқлик, социализмнинг дахлсиз ишини биргаликда ҳимоя қилишга берилган азму қарорнинг ифодаси бўлди. **(Давомли қарсаклар)**. Бу қарор бизнинг ватанимизни контрреволюцион тўнтаришдан ва унинг меҳнаткашлар турмуши учун фожиали оқибатларидан омон сақлаб қолишга кўмаклашди.

Бу нарса Европадаги шароитни стабиллаш ва тинчликни сақлаб қолиш учун **катта аҳамиятга** ҳам эга бўлди.

Контрреволюцион, антисоциалистик ва ўнг оппортунистик кучлар мағлубиятга учрагандан кейин халқимизнинг янги ижодий имкониятлари қулф урди. Халқ хўжалиги яна узлуксиз ривожланиб, турмуш даражаси кўтарила бошлади, меҳнаткашларнинг ҳаётий ва социал ишончи мустаҳкамланди. Бизнинг мамлакатимиз яна жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг мустаҳкам таркибий қисми бўлиб қолди.

Социалистик мамлакатлар марксчи-ленинчи партияларининг мустаҳкам жанговар иттифоқи улар бирлиги ва ҳамкорлигининг асосидир. Чехословакия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси социалистик интернационализм принципларига содиқ бўлиб қолиб, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ва ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга мунтазам равишда эътибор бермоқдалар. Бизнинг бу соҳадаги куч-ғайратларимиз социалистик интернационализмнинг табиий кўринишидир. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги олий типи ана шундан келиб чиқади. Ҳар бир социалистик мамлакатнинг ҳаёти шу асосда бойиб бормоқда ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг қудрати ўсмоқда.

Биз иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка катта аҳамият беряпмиз. Совет Иттифоқи билан, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан социалистик иқтисодий интеграцияни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бундан буёнги иқтисодий ривожимизнинг бош йўлидир. Ана шу узлуксиз ҳамкорлик социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришга, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, муҳим муштарак вазифаларнинг янада сифатлироқ ҳал этилишига ёрдам бермоқда.

Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик бизнинг мамлакатимиз учун иқтисодий сиёсатни амалга оширишда ҳал қилувчи омилдир. Айниқса, машинасозлик, энергетика, химия соҳаларида ва бошқа кўпгина соҳаларда кооперация ҳамда ихтисослаштиришнинг бир қанча муҳим масалалари муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Ҳамкорлигимизнинг абадий тимсоли бўлиб қолган катта-катта иншоотлар қад кўтарди. Ҳозирги вақтда Чехословакия — Совет дўстлиги қурилиши деб ном олган ҳамда пойтахтимиз аҳолиси доимо фахрланиб юрадиган ва уларнинг ҳаётини янада қулайлаштирадиган Прага метрополитени қурилиши ана шу иншоотларнинг биридир.

Хилма-хил ижтимоий ва маданий алоқалар ҳамжиҳатликни яхшилашга, миллий маданиятларимизни бойитишга ёрдам бермоқда, янги кишини социалистик инсонпарварлик руҳида янада самарали камол топтиришга кўмаклашмоқда. Шу жиҳатдан олганда мамлакатларимизнинг областлари ва районлари ўртасидаги, заводлари, ижодий ходимлари, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва гражданлари ўртасидаги бевосита алоқалар тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Интеркосмос доирасидаги қийин ва муҳим программани амалга оширишда бизнинг мамлакатимиз иштирок этаётганлиги ҳам фахрланиш туйғуларимизни кучайтиради. Шу муносабат билан мамлакатимизнинг гражданига Совет Иттифоқидаги ўртоқлари билан бирга космосга парвоз қилиб, шу тариқа социалистик мамлакатларнинг бу соҳадаги ҳамкорлиги янги босқичини очиш имконияти берилгани учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Совет ҳукуматига ва шахсан Сиз, азиз ўртоқ Брежневга чехословак халқи номидан ташаккур изҳор этмоқчиман. **(Қарсаклар)**.

Ҳурматли ўртоқлар!

Чехословакия Коммунистик партияси ғоявий жиҳатдан мустаҳкам ва жипслашган партиядир, у жамиятимизнинг мўътабар раҳбар кучидир. ЧКП Марказий Комитети XI пленумининг қарорлари партия аъзоларига ва мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларига ишга ленинча танқидий кўз билан қараб, масъулият билан ёндашиш, XV съезд белгилаган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда тағин ҳам самарали иш формалари ва методларини қидириб топиш тўғрисида йўл-йўриқ беради. Бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳам, шунингдек икки ҳафта муқаддам тугалланган область партия конференциялари ҳам шуни тасдиқлади.

Чехословакия меҳнаткашлари ЧКП XV съезди белгилаган йўлни ташаббускорлик ва ижодий ғайрат-шижоат билан амалга ошираётганликлари уларнинг партиямизга, партия сиёсати халқ манфаатларини ифодалаётганлигига чексиз ишонганликларидан ва партия халқнинг дилига яқин ва ҳамфикр эканлигидан далолат беради. Ана шуларнинг ҳаммаси халқимиз ЧКП раҳбарлигида эришаётган муваффақиятларда ўз ифодасини топмоқда. Чехословакия ўзининг ишлаб чиқариш потенциали, турмуш даражаси жиҳатидан, маориф ва маданий ривожланиш даражаси жиҳатидан ҳозир дунёдаги ривожланган давлатлар жумласига киради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, совет кишиларининг КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишдаги қаҳрамонлиги ва фидокорлиги биз эришган барча муваффақиятлар учун илҳомбахш намуна бўлиб келди.

Биз, Чехословакия коммунистлари ва мамлакатимиз халқи учун ривожланган социалистик жамият қурилишида Совет Иттифоқи коммунистлари ва халқи билан ёнма-ён бораётганлигимиз катта бахтдир. **(Қарсаклар)**.

Совет халқининг энг яхши фазилатлари — социализм қуриш учун курашдаги мислсиз қатъияти, энг қийин тўсиқларни бартараф қила билиш қобилияти, Совет Ватанининг мустақиллиги ва озодлигини ҳатто энг оғир қурбонлар бериб бўлса ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилишга астойдил камарбасталиги — ана шу фазилатларнинг ҳаммаси бизни ҳайратга солиб келмоқда ва биз бу фазилатларни юксак қадрлаймиз.

Ўртоқ Брежневнинг Улуғ Ватан уруши йилларида Советлар мамлакати мудофаасининг қаҳрамонона кунлари тўғрисидаги ва урушдан кейин жуда вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклаш ҳақидаги эсдаликларини ўқиб ана шуларни яна бир бор ҳис этдик. Совет давлати ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар социалистик тузум, Совет Иттифоқининг марксчи-ленинчи Коммунистик партияси совет халқининг онгли меҳнати замирида яширинган битмас-туганмас кучнинг далилидир.

Совет меҳнаткашларининг кенг миқёсдаги ташаббускорлиги ва юксак активлигидан келиб чиқадиган янги-янги революцион ҳаракатлар, новаторлик иш методлари ва формалари биз учун битмас-туганмас тажриба манбаи бўлиб, қийин вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.

Биз КПСС XXV съезди қарорлари муваффақиятли амалга оширилаётганини қойил бўлиб кузатиб турибмиз ва совет кишиларининг ҳар бир янги ғалабасидан чин кўнгилдан қувонмоқдамиз. Совет Иттифоқининг муваффақиятлари дунёда социализмнинг муштарак қудратини ва таъсирини анча мустаҳкамлайди, ялпи тинчликни сақлаб қолишга бўлган ишончни кучайтиради. **(Қарсаклар)**.

Империализмнинг реакцион доиралари реал социализм мамлакатларига қарши ва айниқса Совет Иттифоқига қарши доимо уюштириб турган ҳар қандай туҳмат кампаниялари ижтимоий тузумимизнинг бош мақсади ва маъноси инсон тўғрисида, унинг бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилишдан, унинг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдан иборат эканлигини, социализм инсон олдида тобора кўпроқ кенг истиқболлар очиб бераётганлигини ва унинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур имкониятларни таъминлаб бераётганлигини яшира олмайди.

Инсоният тарихида биринчи бўлиб коммунизм бўсағасига қадам қўйган жамиятнинг ҳозирги замон манифести бўлиб қолган Совет Иттифоқининг янги Конституцияси ҳам буни тасдиқлайди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ижтимоий ривожланишдаги авангардлик ролига содиқ бўлиб қолмоқда. У дунёдаги барча революцион ва тараққийпарвар кучлар учун машъалдир. Бизнинг планетамизда социализм, тинчлик ва инсоният бахт-саодати учун Совет Иттифоқи сингари шу қадар кўп иш қилган бошқа биронта давлат йўқ. **(Давомли қарсаклар).** Унинг қаҳрамон халқи ва шонли ленинчи Коммунистик партияси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ва абадий барҳаёт Лениннинг ички ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги васиятларини изчиллик билан амалга ошириб келмоқдалар.

Совет Иттифоқининг тинчлик сиёсатига барча тинчликсевар кишилар таҳсин айтиб, қойил қолмоқдалар. Тинчлик — инсоният учун энг катта бойликдир, тинчликни сақлаб қолиш халқларимизнинг бунёдкорлик йўлидаги куч-ғайратлари учун жуда қулай шарт-шароит яратиб беради. Бизнинг партиямиз ва бутун чехословак халқи Совет Иттифоқининг принципиал тинчлик сиёсатини юксак қадрламоқдалар, уни тўла равишда қўллаб-қувватламоқдалар ва бу сиёсатнинг амалга оширилишига ёрдам беришга ҳар жиҳатдан интилмоқдалар. **(Қарсаклар)**.

Ҳар бир соғлом фикр юритувчи сиёсий арбоб ҳам ядро қуроллари, ҳам оддий қурол-яроғлар билан қуролланиш пойгасини тўхтатишдан кўра, қуролланишни чеклашдан ва қуролсизланиш соҳасида конкрет чораларни амалга оширишдан ҳам кўра ҳозир кечиктириб бўлмайдиган ва муҳимроқ вазифа йўқлигини эътироф этиши керак. Шунинг учун ҳам биз ҳарбий соҳада кескинликни юмшатишга эришиш мақсадида Совет Иттифоқининг қилган барча таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Сиз, муҳтарам ўртоқ Брежнев, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик байрами тантаналарида ва Ленин комсомолининг XVIII съездида илгари сурган Совет Иттифоқининг кейинги ташаббуслари жаҳонда кенг миқёсда қўллаб-қувватланди ва маъқулланди.

Инсониятни яна «совуқ уруш» даврига қайтаришга уринаётган империализмнинг реакцион кучларига ва кескинликни юмшатишнинг барча мухолифларига қарши бизлар биргаликда кураш олиб бормоқдамиз. Биз кескинликни юмшатиш жараёнини ҳар томонлама чуқурлаштириш йўлида социалистик мамлакатлар олиб бораётган муштарак курашда актив қатнашмоқдамиз. Халқаро миқёсда кескинликни юмшатиш сиёсатидан ҳам кўра бошқа оқилона сиёсат йўқ.

Биз ҳозирги Хитой раҳбарларининг олиб бораётган ҳатарли ва авантюристик сиёсатини қатъиян рад этамиз. Хитой раҳбарлари ўзларининг буюк давлатчилик шовинизми манфаатларини кўзлаб, жаҳон империализмининг энг реакцион кучлари билан апоқ-чапоқ бўлмоқдалар ва уларнинг урушни мўлжаллаб тутган йўли жаҳондаги барча халқлар учун хатарлидир.

Биз Варшава Шартномаси ташкилоти доирасида ҳар тарафлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, социализмни ҳимоя қилишга, социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашга ва бизнинг ташқи сиёсатимизни координациялашга бундан буён ҳам ёрдам бераверамиз. Социалистик мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракати — тинчлик, тараққиёт ва социализм учун курашда янги-янги ғалабаларга эришиш гаровидир. **(Қарсаклар)**.

Кенг кўламдаги антиимпериалистик жабҳанинг бирлиги ҳозирги тарихий вазиятда қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаймиз. Чехословакия Коммунистик партияси марксизм-ленинизм принциплари негизида халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга доимо интилиб келмоқда. ЧКП коммунистик партияларнинг актив ўртоқлик иттифоқи учун ва интернационал бирдамлиги учун курашиб келмоқда. Чехословакия Коммунистик партияси коммунистик ва ишчи партияларнинг Берлин конференцияси ғоялари ва қарорларини қўллаб-қувватлайди. антикоммунизм ва антисоветизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, социализмнинг, халқаро ишчилар синфининг ва бошқа революцион кучларнинг позициясига путур етказиш ёки уни заифлаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши изчиллик билан курашмоқда.

Биз эски ва янги мустамлакачилик қолдиқларига қарши курашаётган озод бўлган мамлакатлар халқлари томонида турибмиз. Биз биринчи навбатда социалистик ривожланиш йўлидан боришга қарор қилган мамлакатларнинг куч-ғайратларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Азиз ўртоқлар!

Сизнинг Чехословакияга қилган визитингиз, бизнинг учрашувларимиз ва олиб бораётган музокараларимиз қардош партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ўртоқларча ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Мамлакатингизнинг коммунистларига ва барча совет кишиларига Чехословакия коммунистларининг, Чехословакия халқининг самимий саломларини топширишингизни, коммунистик жамият қурилишида янги-янги муваффақиятларга эришувларини истаб, билдирган тилакларимизни етказишни илтимос қиламиз. **(Қарсаклар)**.

Чехословакия халқи ҳозирги вақтда ҳам ва келажакда ҳам қардош совет халқи билан биргаликда муштарак ленинча йўлдан оғишмай олға бораверади, деб бизнинг номимиздан уларга ваъда берингиз. **(Қарсаклар)**.

Бизнинг энг содиқ дўстимиз ва ишончли иттифоқчимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи яшасин ва гуллаб яшнасин! **(Давомли қарсаклар)**.

Яшасин Чехословакия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги мустаҳкам жанговар иттифоқ. **(Давомли қарсаклар)**.

Яшасин Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқларининг абадий дўстлиги!

Яшасин тинчлик ва коммунизм!

(Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради. «Дўстлик! Дўстлик! Дўстлик!», «КПСС — ЧКП!» хитоблари янграйди).

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга сўз берилади. Тантанали йиғилиш иштирокчилари Леонид Ильич Брежневни ўринларидан туриб гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли ўртоқ Гусак!

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ва Миллий фронт Марказий Комитетининг, ЧССР Федерал мажлиси ва ҳукуматининг аъзолари, Прага шаҳри меҳнат коллективларининг вакиллари, ҳурматли ўртоқлар!

Аввало, бизнинг партиямиз билан мамлакатимиз тўғрисида бу ерда айтилган эзгу сўзлар учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Бизнинг делегациямиз шу залда ҳозир бўлган барча кишиларга, бутун қардош чехословак халқига ленинчи Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитетидан, СССР Олий Совети ва Совет ҳукуматидан, бутун кўп миллионли халқимиздан оташин салом топширади. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Дўстлар юртига келганингда мириқиб ҳордиқ чиқарасан киши. Иш кўп албатта. Аммо юмуш нақадар кўп бўлмасин, ўртоқлар, маслакдошлар билан ишлаш ҳам осон бўлади. Ўзингни енгил ҳис этасан киши.

Азиз дўстлар! Сизларнинг ҳузурингизда сўзга чиқишга ҳозирлик кўра туриб, шу йил нишонланадиган икки шонли санани беихтиёр эсладим. Чехословакия Республикаси ташкил топгандан бери орадан салкам 60 йил вақт ўтди. Шу муддатнинг ярмисини у социализм юлдузи остида ўтказди. Мамлакатнинг тақдири, унинг ўтмиши, ҳозири ва келажаги тўғрисида фикр юритиш учун шунинг ўзи асос бўла олмайдими? **(Қарсаклар).**

Бундан ўттиз йил муқаддам пролетариат билан деҳқонларнинг қудратли ғалаёни Прага градига халқнинг ҳақиқий вакилларини келтирди. коммунистлар олдида бениҳоя мураккаб вазифалар пайдо бўлди. Уруш ва фашистлар оккупацияси оқибатларини бартараф этиш, жамиятни янги, социалистик негизларда қайта қуриш, экономика ва маданиятни юксалтиришни таъминлаш, меҳнат аҳлининг турмуш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш лозим эди. Ана шу улуғвор бунёдкорлик ишини синфий душманларга қарши кескин курашда олиб боришга тўғри келди. Бу душманлар анчагина вақтгача бизга қарши ҳаракат қилиб келди. 1968 йилда эса социализм душманлари ишчилар синфининг революцион ғалабаларига кенг миқёсда режалаштирилган, янги ҳужум бошладилар.

Бугун чехословакиялик ўртоқларимиз ўтмишга қайрилиб қараб, машаққатли синовлардан шараф билан ўтганликларини мамнун бўлиб айта оладилар. **(Давомли қарсаклар).**

Чехословакиянинг ҳозирги куни — қудратли ва планли равишда ривожланаётган экономикадан; илғор фан ва маданиятдан; юксак даражадаги халқ фаровонлигидан; шахсни камол топтириш учун очиб қўйилган ғоят кенг имкониятлардан иборат. Миллион-миллион гражданлар давлат ва жамоат ишларини бошқаришда актив қатнашмоқдалар. Буларнинг ҳаммасига Коммунистлар партиясининг ўзгартирувчилик ва раҳбарлик фаолияти туфайли, ишчилар синфи, деҳқонлар, халқ зиёлиларининг зўр ғайрат билан қилган саботли меҳнати туфайли эришилди. **(Қарсаклар).**

Социалистик давлатлар қардошлик оиласининг эъзозли аъзоси бўлган Чехословакия Социалистик Республикаси халқаро турмушда катта роль ўйнамоқда, энг муҳим халқаро проблемаларни ҳал этишда, Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашда актив ва самарали қатнашмоқда.

Биз сиз, азиз ўртоқларни ана шу ютуқларнинг ҳаммаси билан табриклай олганимиз учун астойдил қувонамиз. **(Қарсаклар).** Бу ютуқлар шонли жанговар Чехословакия Коммунистик партияси, унинг чехословак халқи атоқли фарзанди, социалистик ҳамдўстликнинг ва коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби ўртоқ Густав Гусак бошчилигидаги Марказий Комитети йўли тўғрилигининг энг ишонарли далилидир! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Ҳозирги ғалабалар айни вақтда келажак сари муваффақиятли ҳаракат қилиш учун замин ҳамдир. ЧССР коммунистлари, меҳнаткашлари ЧКП XV съезди белгилаб берган катта иқтисодий ва социал программани, ривожланган социалистик жамият барпо этиш программасини амалга ошириш устида фидокорона иш олиб бораётганликларини биламиз. Бу ишда сизларга тўла муваффақият тилаймиз, ўз социалистик Ватанингизни янада кўркамлаштиришингизни тилаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Тинимсиз олға, янги чўққилар сари ҳаракат қилишни социализмнинг қонуни деса бўлади. Бундай чўққиларга кўтарилиш осон эмас, албатта. бу иш бутун жамиятнинг ва ундаги ҳар бир онгли аъзонинг бутун куч ва қобилиятини тўла-тўкис ишга солишини талаб қилади. Қардош социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлигини доимо чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳам муҳим масала. шу боисдан ҳам мен ишнинг ана шу жиҳатига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бунинг фойдали эканлигини тасдиқловчи мисоллар жуда кўп. Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларга бир назар ташланг. Ўртамиздаги чегарадан иккала тарафга миллион-миллион тонналаб юк узлуксиз ўтиб турибди. Иккала мамлакат харитасида ҳамкорликда қурилган иншоотлар тобора кўпаймоқда. олимларимиз, инженерларимиз, ишчиларимизнинг коллектив бўлиб аҳиллик билан қилаётган меҳнати туфайли замонавий техника ва илғор технология жараёнлари юзага келмоқда. Халқларимизнинг маънавий соҳадаги ҳамкорлиги ҳар қачонгидан ҳам самарали ва хилма-хил бўлиб бормоқда, бу нарса ҳаммамизни анча бойитмоқда.

Ҳамкорлигимизнинг барча соҳалари — ҳам ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий, ҳам сиёсий соҳалари биринчи интернационал социалистик экипажнинг яқинда космосга қилган сафарида ўз ифодасини топди, деса бўлади, бу сафарда Чехословакия тарихидаги биринчи космонавт-учувчи ўртоқ Владимир Ремек қатнашди. **(Давомли қарсаклар).** Энди бизларнинг умумий қаҳрамонларимиз — айни вақтда ҳам совет ва ҳам чехословак қаҳрамонлари ёнига яна тўрт қаҳрамон қўшилди. **(Қарсаклар).**

Социалистик мамлакатларнинг янги халқаро экипажлари учишга навбат кутиб турибди. Хуллас, ҳамдўстлигимиз ер юзида мустаҳкам қарор топиб, энди космик фазони муваффақиятли ўзлаштиришга киришди, деб айта оламиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар, ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир муҳим соҳаси йўқки, унда қардош социализм мамлакатлари ҳамкорлигининг самарали таъсири сезилиб турмаган бўлсин.

30 йилдан ошиқ вақтдан бери Европада тинчлик ҳукм сурмоқда. Бу эса ғоят муҳимдир. Назаримда, қитъамиз халқларига тарих ҳали ҳеч қачон бунчалик узоқ давом этган тинчлик инъом этмаган эди. Бу — Европанинг ярмиси энди социализм шароитида яшаб турганлигининг кўп жиҳатдан ва ҳатто ҳал қилувчи даражадаги натижаси эканлигини халқлар равшан англаб олишлари лозим. **(Қарсаклар).** Европадаги тинчлик — кўп жиҳатдан сиз билан бизнинг биргаликда сарфлаётган куч-ғайратларимизнинг, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар баҳамжиҳат ташқи сиёсатининг натижасидир.

Ҳозир марксизм-ленинизм идеологияси жаҳон ижтимоий тафаккурида авангардлик позицияларини эгаллаб турибди. Унинг теварагида эҳтирослар жўшмоқда. унга турли социал ҳаракатлар интилмоқда. Бу ҳам жуда кўп жиҳатдан партияларимиз биргаликдаги ижодий фаолиятининг якунидир, янги дунё қурилиши ғоят бой тажрибаси таъсирининг натижасидир. **(Қарсаклар).**

Руҳи жиҳатидан ғоят инсонпарвар, энг яхши миллий анъаналар билан чамбарчас боғланган ва айни вақтда кўп миллатлар ва элатларнинг ижодий даҳосини ифодаловчи новатор, интернационал социалистик маданият ғоят зўр обрў-эътибор қозонди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига бирлашган мамлакатлар кейинги 10 йил мобайнидагина ўзларининг саноат потенциалларини икки ҳисса оширдилар. Бу ўринда ҳам миллий куч-ғайратлар билан бир қаторда кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг роли катта бўлди.

Биз ишларнинг аҳволига сергаклик билан баҳо беришга ўрганиб қолганмиз, шу боисдан ҳам ҳал этилмаган проблемаларни ҳас-пўшлаб ўтмаймиз. Бир қанча кўрсаткичлар соҳасида мамлакатларимиз ҳали мезон яратувчилар деб аталмиш мамлакат ҳисобланмайдилар. Бу гап, жумладан, электроника, машинасозлик, химия индустриясини ривожлантиришнинг баъзи бир йўналишларига тааллуқлидир. Бу соҳаларда ҳам биз олдинги позицияларга чиқиб олишимиз мумкинми? Шубҳасиз, мумкин! **(Қарсаклар).** Халқаро социалистик меҳнат тақсимоти нақадар моҳирона такомиллаштирилса, хўжалик соҳасидаги ҳамкорлигимиз нақадар мустаҳкамланса, бунга шу қадар тезроқ эришамиз.

Бизнинг фикримизча, алоқаларимизнинг самарадорлигини имкони борича кўтариш, ҳозирги пайтнинг эҳтиёжларинигина эмас, анча олис истиқболини ҳам мўлжалга олиш ҳозирги энг муҳим вазифадир. Биз Чехословакия раҳбарлари билан ўтказилган музокараларда ана шу катта масалалар хусусида фикрлашиб олган эдик. Бу ерда ҳам ҳар иккала томон тўла ҳамжиҳат эканликларини хурсандчилик билан қайд этамиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар!

Чехословакия билан, Прага билан боғлиқ хотираларим мен учун ҳамиша азиз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Биз орзиқиб кутилган тинчликни шу ерда қарши олдик, урушнинг беҳад машаққатли йўллари бўйлаб тўрт йил мобайнида биз ўша кунга интилган эдик. Шу ерда туриб биз янги уруш фожиасига йўл қўймаймиз, деб қасамёд қилган эдик. Коммунистлар шу қасамёдга содиқ эканликларини тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкин. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Кейинги йилларда халқаро вазиятни, айниқса, Европадаги вазиятни яхшилаш учун бир талай иш қилинди. Таъбир жоиз бўлса, Европани бир уй десак, ундаги қўшнилар энди саломлашибгина қолмай, осойишта гаплашмоқдалар ҳам. Кўпгина масалаларда дурустгина ҳамкорлик қилишни ўрганиб олдилар. ГФРга яқинда қилган визитим вақтида ҳам шу нарса яққол намоён бўлди. Фикримизча, ўзаро муносабатлар даражаси ва сифатини оширишнинг салмоқли программаси ишлаб чиқилди. Бу программа табиий равишда иккала мамлакат манфаатларига мос бўлиши билан бирга, қитъадаги кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан ҳам кўп даражада суғорилган.

Шак-шубҳа йўқки, Европадаги мустаҳкам тинчлик янги жаҳон урушига йўл қўймасликнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир. Бундан уч йил муқаддам Хельсинкидаги кенгаш Европа қитъасида яхши муносабатларни ривожлантириш учун ҳамма имкониятларни яратди. Кескинликни юмшатиш учун пухта сиёсий негиз яратилгандек туюлди. Бироқ кескинликни юмшатиш жараёнини Европадагина эмас, бошқа қитъаларда ҳам барбод этишга ва «совуқ уруш»га бўлмаганда ҳам, «совуқроқ уруш»га қайтишга ошкора уринаётган сиёсий доиралар чиқиб қолди. **(Қарсаклар).**

НАТО мамлакатларининг Заир ишларига аралашиб қол тўқаётганлиги сингари ҳаракатлар ҳам шу мақсадга хизмат қилиши равшан. Кўзни чалғитиш учун бу воқеаларга Совет Иттифоқи ёки Куба «дахлдор» деган уйдирма гап хусусидаги ташвиқот шовқин-сурони билан бу аралашувнинг беҳаёлик характерини яширишга уриндилар.

Социалистик мамлакатларнинг Европа халқлари ва бошқа қитъаларнинг ҳам халқлари манфаатларига шак-шубҳасиз мос бўлиб тушадиган кўпгина фойдали ташаббуслари, гарчанд ҳамма учун фойдали эканлиги равшан кўриниб турган бўлса ҳам, лозим даражада қўллаб-қувватланмаётганлиги факт-ку, ахир.

Давом этаётган қуролланиш пойгаси давлатларнинг тинч ҳамкорлиги заминини жуда ўйдим-чуқур қилиб ташлаганлиги шубҳасиз. Бу пойгага чек қўйиш, қуролсизланиш йўлида амалий тадбирларни кўра бошлашдек буюк вазифа ҳукуматлар олдидагина, ҳокимият соҳиби бўлган кишилар олдидагина бугун тургани йўқ, Бу вазифа барча партиялар ва сиёсий оқимлар олдида, касаба союзлари, бошқа жамоат ташкилотлари олдида, оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифадир. Ҳеч ким бу ишдан четда туришга ҳақли эмас. Халқаро жамоатчиликнинг энг кенг сиёсий кучларнинг актив ҳаракатисиз воқеаларнинг боришини қуролланишдан қуролсизланиш сари буриб юборишга муваффақ бўлиш мумкин, деб умид қилиб бўлмайди. **(Қарсаклар).**

Бизнинг астойдил муддаомиз шуки, уруш ойболтаси ерга шу қадар чуқур кўмиб ташлансинки, ҳеч қандай қора кучлар уни асло топиб ололмасинлар. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).** Бизнинг сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатиш билан ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатиш тўғрисидаги, қуролсизланишга, шу жумладан ядровий қуролсизланишга оид кенг қамровли музокаралар ўтказиш тўғрисидаги таклифларимизнинг мақсади ана шундай.

Биз қуролланиш пойгасини жиловлаш хусусидаги музокараларга бениҳоя жиддият ва ҳалоллик билан қараяпмиз. Биз беҳуда ваъзхонликларга қаршимиз, музокараларнинг бир вақтлар Ярослав Гашек мазамат қилиб кулган, «қуролсизланишга доир конференция» деб аталган машъум конференцияга ўхшаб қолишига қаршимиз. Маълумки, унинг қаҳрамонлари беҳисоб тунги мажлислар ва зиёфатлардан телбаланиб, гўё яхши тилак билан ким кўринса шуни қуролланишга даъват қила бошлаган эдилар. **(Залда кулги).**

Яқинда Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси иш бошлади. БМТ тарихида биринчи марта унинг қатнашчилари қуролсизланиш проблемасининг бутун комплексини муҳокама қилмоқдалар.

Совет Иттифоқи, қардош социалистик мамлакатлар сессияга ҳар томонлама пухта ўйланган, конструктив ишлашга ва амалий натижаларга эришишга мўлжалланган таклифлар ва ташаббуслар билан боришди.

Қисқа қилиб айтганда, қуролсизланиш масалаларидаги позициямизнинг моҳияти қуйидагилардан иборат. СССР қурол-яроғларнинг ҳамма ва ҳар қандай турларини бошқа давлатлар билан келишиб олинган ўзаро асосда чеклаш, тақиқлашга тайёр. Бунинг учун ҳамма иш бирон-бир давлатнинг хавфсизлигига зарар етказмайдиган тарзда, тегишли қурол-яроғларга эга бўлган давлатларнинг тўла тенглиги шароитида қилиниши муҳим. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш муддаоси хўжакўрсинга эмас, балки астойдил бўлиши муҳимдир.

Афсуски, музокарада қатнашаётган асосий шерикларимизнинг позицияси зиддиятларга тўлиб-тошган. Бунинг учун бир мисол келтираман.

Ҳозир Вашингтонда НАТО кенгашининг олий даражадаги сессияси бошланди. Унинг баъзи қатнашчилари ё НАТО кенгашига кела туриб ёки ундан уйларига қайта туриб Нью-Йоркка, БМТнинг махсус сессиясига кирадилар-да, у ерда қуролсизланиш тўғрисида дабдабали сўзлар айтадилар. Ҳали нафасларини ҳам ростлаб олмай НАТО кенгашининг сессиясида анча олис йилларга мўлжалланган янги ҳарбий тайёргарликларнинг режаларини муҳокама қиладилар. Бас, шундай экан, Ғарб давлатлари қаерда иш билан шуғулланмоқдалару, қаерда сўз билан чекланмоқдалар, деган савол туғилади.

Қуролланиш пойгаси ҳеч кимга яхшилик келтирмаслигини тушуниб оладиган пайт келди. Бу пойгага чек қўйиб, қуролсизланиш режасини виждонан тузмоқ керак. **(Давомли қарсаклар.)**

Социалистик мамлакатлар қуролсизланиш ишини олға силжитиш учун кўп меҳнат қилдилар. Олдимиздаги тўсиқлар нақадар катта бўлмасин, биз тинчлик ва яхши қўшничилик сиёсатининг барча тарафдорлари билан бирга бундан буён ҳам олға бораверамиз, ана шу ўткир проблемани пишиқ-пухта ва тўла-тўкис ҳал этиш йўлларини қидира берамиз. **(Давомли қарсаклар).**

Сўзимнинг охирида сизларга, ўртоқлар, ҳамма ишларингизда чин кўнгилдан яна бир бор муваффақият тилашга, Чехословакиядаги ҳар бир оилага бахт-саодат ва омон-эсонлик тилашга ижозат бергайсизлар. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Муштарак мулкимиз — Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқларининг қардошларча дўстлиги мустаҳкамлана берсин! **(Залда гулдурос қарсаклар бошланади. Ҳамма ўрнидан туради).**

Яшасин тинчлик! **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин коммунизм! **(Гулдурос, давомли қарсаклар. «КПСС — ЧКП!», «Яшасин Совет Иттифоқи!» хитоблари янграйди. Залда гулдурос қарсаклар узоқ давом этади).**

Л. Штроугал йиғилишни ёпа туриб, бундай деди:

Сиз мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатларининг ҳар томонлама ривожига ва самарали ҳамкорлик натижаларига бу қадар астойдил баҳо берганлигингиз учун Сизга, ҳурматли ўртоқ Брежнев, самимий миннатдорчилик билдираман. Бу эса биз учун ғоят қадрлидир. Сизнинг сўзларингиз бизга илҳом бағишлайди. Шу билан бирга бу сўзлар бизнинг зиммамизга Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги иттифоқни ва мустаҳкам дўстликни янада кўпроқ мустаҳкамлаш вазифасини юклайди.

Биз Сизни яна ишонтириб айтамизки, Чехословакия социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигининг мустаҳкам бўғини бўлиб келди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади. Социалистик мамлакатлар қардошлик иттифоқи бирлик ва ҳамкорликда замонамиз кишисига муносиб янги ҳаёт барпо этмоқдалар. Биз марксизм-ленинизмнинг барҳаёт идеалларига ва революцион принципларига, тинчлик, социализм ва коммунизм ғояларига содиқ бўлиб қоламиз.

Тантанали йиғилиш «Интернационал»ни ижро этиш билан тугади.

ТО Справкалар бюроси
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. СУЛТОНМУРОДОВ: Ҳурматли редакция, мамлакатимизда, шу жумладан, республикамизда геофизика фанининг тарихи, унинг тараққиётига оид маълумот берсангиз.

Жавоб: Геофизика ернинг физик хоссаларини ва унда содир бўладиган жараёнларни ўрганадиган фанлар мажмуидир. У XIX аср ўрталарига келиб мустақил фанга айланди. Бунга қадар геофизик кузатиш материаллари тўпланиб, физика нуқтаи назаридан баён этилар эди. XX аср бошларида радиоактивлик ҳодисаси очилгандан сўнг, Ернинг ёши, айрим геологик даврларнинг узоқлиги, радиоактив иссиқликнинг роли ҳақидаги маълумотлар аниқланди.

Совет ҳокимияти йилларида геофизика тез тараққий этди, илмий тадқиқот ишларининг усули, йўналиши ва кўлами тубдан ўзгарди. Кибернетика фанининг тараққий этиши, Ер сунъий йўлдошларининг учирилиши натижасида Ер шари ва атмосферасининг тузилишини ўрганиш усуллари такомиллаштирилди. Масалан, СССРда Ер сунъий йўлдошларидан келаётган ахборотларни қабул қилувчи бир неча станциялар ишламоқда.

Ўзбекистонда геофизика фани Совет ҳокимияти даврида вужудга келди. Ўзбекистон олимлари — Ҳ. М. Абдуллаев, О. М. Акромхўжаев, И. Х. Ҳамробоев В. А. Бугаев, В. А. Жоржио, В. И. Губин, Т. А. Саримсоқов, М. А. Орифхоноваларнинг самарали ишлари натижасида Ўзбекистонда геофизика фани ташкил топди ва ривожланди. Геофизика фани халқ хўжалигига бевосита алоқадор бўлган муҳим муаммоларни ҳал этади. Республикамизда геофизик тадқиқот ишлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети гидрометеорология бошқармаси, геология, газ ва нефть саноати министрликлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Тошкент Давлат университети ва Тошкентдаги Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институтларида олиб борилмоқда.

* * *

Ғ. АСАДОВ: Мен слесарь-асбобсозлик касбига жуда қизиқаман. Шаҳримизда шу касбни ўргатадиган билим юрти борми?

Жавоб: Тошкентда Сиз ўз саволингизда сўраган касбни ўргатадиган ягона ҳунар-техника билим юрти бор. Бу 34-ҳунар-техника билим юрти бўлиб, бу ерда штамплар, пресс формалар ремонти бўйича ва бошқа ихтисосликдаги слесарь-асбобсозлик касбини эгаллаш мумкин. Бу ерда ўқиш танланган ихтисосликка қараб бир йилдан уч йилгачадир. Сиз ўзингизни қизиқтирган барча масалалар хусусида Манжара кўчаси, 137-уйда жойлашган билим юртидан маълумот олишингиз мумкин. У ерга 22, 55-автобуслар билан борилади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА
ГАИ АХБОРОТИ

Тошкент область Тошкент районидаги 32-ўрта мактабнинг ўқитувчиси тонг саҳарда 20—39 ТШГ рақамли «Москвич 21—37» автомобилини Шота Руставели кўчаси бўйлаб ҳайдаб борар эди. У атрофга аҳамият бермаганлиги, нотўғри тезлик танлаганлиги ва оралиқ масофани нотўғри танлаганлиги учун машинани олдинда ҳаракатланиб бораётган 72—54 ТНБ рақамли «Восход» мотоцикли билан тўқнаштириб юборди. Тасодиф натижасида мотоцикл ҳайдовчиси М. Мустафин жароҳатланди ва Тошкент тўқимачилик комбинатининг медицина-санитария қисмига ёткизилди. Йўл ҳаракати қоидасининг 73 ва 76-бандлари талабларини бузганлиги учун ҳайдовчи Ш. Йўлдошевнинг иши Давлат автомобиль инспекциясининг маъмурий комиссиясига жўнатилди.

БАХТЛИ БОЛАЛИК. Х. Шодиев фотоэтюди.

Бугун — болаларни ҳимоя қилиш Халқаро куни

ПИОНЕР ЁЗИНИНГ АЛВОН БАЙРОҚЛАРИ

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Мана, шаҳримиздаги 243 мактабда сўнгги қўнғироқлар чалинди. 80 мингдан кўпроқ ўқувчи учун каникуллар бошланди, юқори синф ўқувчилари эса сўнгги имтиҳонларга тайёрланишяпти. Улар ҳам кўп ўтмай бугун таътилга чиққан ўқувчилар сафига қўшилиб, ёзни кўнгилли ўтказадилар. Чунки ҳар йили ёзги таътил ўқувчиларга олам-олам завқ-шавқ бағишлайди. Ёзда уларни қизиқарли саёҳатлар, учрашувлар кутади.

Мактаб ўқувчилари бу йилги мавсумда қаерларда ва қандай дам олишади? Биз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Ё. ЁҚУБЖОНОВАга ана шундай савол билан мурожаат қилдик.

— Пионер ёзининг маршрутлари, — деди Хосият Ёқубовна, — қизиқарли ва турли-тумандир. Ўқувчиларни одатдагидек туристик походлар ва экскурсиялар, Совет Иттифоқининг йигирмадан ортиқ шаҳарларида ота-боболарнинг жанговар шуҳрат жойлари бўйлаб ўз тенгдошлари билан биргаликда ўтадиган саёҳат маршрутлари кутмоқда. Албатта, ўқувчилар пионер лагерларида ҳам дам оладилар, «Чарм тўп» ва «Оқ руҳ» клуби совринлари мусобақаларида қатнашадилар.

— Бу йил пионер лагерларида қанча бола дам олади?

— Деярли 115 мингга яқин ўқувчи шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги лагерларда, болалар санаторийларида саломатликларини мустаҳкамлайди. 87 мингдан кўпроқ ёш эса туристик поход ва экскурсияларда бўлишади.

9 минг ўқувчини бирлаштирган мактаб ўқувчилар бригадалари ёзни колхоз ва совхоз далаларида ўтказиб, қишлоқ аҳлига йиғим-теримда ёрдам беради. Шуни айтиш кераки, ўтган йилларнинг тажрибаси кўрсатишича, ижтимоий фойдали меҳнат ва актив дам олиш бир-бирига мувофиқ тарзда ташкил этиладиган меҳнат ва дам олиш лагерлари юқори синф ўқувчиларининг кўпчилигида бой таассурот қолдирмоқда. Бу борада Фрунзе, Киров ва бошқа районлардаги мактабларнинг педагогика коллективларида ажойиб тажриба тўпланган. Бу жойларда одатдагидек бешинчи меҳнат чораги барча ғоявий-тарбиявий ишлар туфайли ўқувчиларга хуш ёқмоқда. Ишдан сўнг боғда ёки экинзорда ўтадиган шахмат мусобақалари, ўқилган китоблар юзасидан баҳслар, волейбол мусобақалари ва бошқа тадбирлар ўқувчиларнинг мароқли дам олиши учун ажойиб шарт-шароитдир.

— Маълумки, шаҳардан ташқаридаги пионер лагерлари болаларни жуда кўп қизиқтиради. Бу йилги ёзда уларнинг нечтасида пионер ёзининг алвон байроқлари кўтарилади, улар орасида янгидан қад кўтарган лагерлар ҳам борми?

— 66 мингдан кўпроқ мактаб ўқувчилари дам оладиган шаҳар ташқарисидаги 59 пионер лагери ёшларни кутиб тахт бўлиб турибди. Корхоналар, қурилишлар ва шаҳардаги лойиҳалаш институтларининг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бунинг учун катта ғамхўрлик қилдилар. Лагерларнинг ҳаммасида чиройли павильонлар ва ошхоналар, болалар майдончалари зарур жиҳозлар билан таъминланди, гулзорлар барпо этилиб, бассейнлар тайёрлаб қўйилди...

Бу йил тўртта янги қурилган пионер лагерлари ўқувчиларга ўз эшикларини очмоқда. 1-уйсозлик комбинати, «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Промгражданстрой» тресги, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги ва мелиорация министрлигининг «Ўзгипроводхоз» институти, «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинасозлик заводи пионер лагерлари шулар жумласидандир. Бу лагерларда пионер ёзи мароқли ўтиши учун тарбиячилар ва педагоглар ҳам жалб этилмоқда. ТошДУ, Низомий номли педагогика институти, Энгельс номли чет тиллар институти ва бошқа олий ўқув юртларининг ёш педагоглари пионер лагерларида ёшлар билан бирга бўладилар.

— Шаҳарда қоладиган болаларнинг ёзги дам олиши қандай уюштирилади?

— Мактаблар базасида ташкил этилган 103 та шаҳар пионер лагерларида 34 мингдан кўпроқ бола дам олади. Улар учун ҳам экскурсия ва походлар, фильмлар намойиши, тўгарак ишлари, спорт мусобақалари ташкил этилади.

Тоғлар ва мовий кўллар соҳилларида, дарёларнинг бўйларида қизиқарли походлар, ажойиб экскурсиялар билан ўтадиган пионер ёзи бошланди. Мамлакатимиз ёш авлоднинг янада чиниққан, соғлом ва кучли бўлиши учун, чўққиларни забт этишга тайёр бўлиши учун катта ғамхўрлик қилмоқда, улар учун энг яхши шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

«ТИЛЛА ЧЎП»НИНГ ХОСИЯТИ

Ўзбек таомларида ишлатиладиган зираворлардан зарчава тўғрисида маълумот берсангиз: зарчаванинг ўзи нима? Унинг киши аъзоларига фойдаси борми?

Г. ХЎЖАЕВА, Р. НОСИРОВА,
уй бекалари.

Зарчава форс-тожик тилидаги «зар» (тилла) «чўб» (чўп, томир) сўзлардан таркиб топган бўлиб «тилла чўп» маъносини англатади. Бу тропик мамлакатларда ўсадиган шу номли бута ўсимлигининг томиридир. Уни махсус усулда қовуриб олиб, туйиб талқон қиладилар, элакисини (порошогини) паловга, гўштга ва бошқа овқатларга зиравор сифатида сепилса таом чиройли — тилла тусга киради.

Зарчава асосан ҳиндии, афғон ва эрон пазандалигида кенг қўлланилади. Ўзбек таомларида уни фақат катта тўй ва байрамларда дамланган паловларга солишади.

Халқ табобатида зарчава буйрак ва ўт қопидаги тошни майдалайдиган доривор сифатида қадимдан қўлланиб келинади. Лекин зарчаванинг яна бошқа дардларга ҳам даво эканлигини биз табобат илмининг бобакалони Абу Али ибн Сино асарларидан ўқиб биламиз.

К. МАҲМУДОВ.

Самовий ажойиботлари

ТУНЛАРИ ҚИСҚА, КУНДУЗЛАРИ УЗУН

Июнь — қадим рим календарида тўртинчи ой бўлиб, Юнона худоси (Юпитернинг умр йўлдоши)га бағишланган ва дастлаб юниус деб аталган.

Июннинг охирларигача Қуёш Савр юлдуз туркумида ҳаракатланиб, сўнгра Жавзо юлдуз туркуми чегарасига ўтади. 22 июнда Қуёш маркази осмон экваторидан энг катта бурчак узоқлашишга эришиб, 23 градусу 26,5 минутни ташкил қилади. Июнь ойида кундузининг узунлиги максимумга эришади: ой бошида бу узунлик 14 соату 50 минутни ташкил этган бўлса, 22 июнда у 15 соату 05 минутгача етади. Бу куни Қуёшнинг горизонтдан баландлиги ҳам максимумга эришиб, 72 градусни ташкил қилади ва шундан сўнг унинг баландлиги камая бошлайди. Бу эса ўз навбатида Қуёшнинг горизонт устидаги йўлининг кичрайишига, яъни кундузининг қисқаришига олиб келади.

Июнь ойида Ойнинг асосий фазалари қуйидагича кузатилади. 5 июнда Ой Савр юлдуз туркумида Қуёшдан энг кичик бурчак масофадан ўтаётиб, астрономик янгиой фазасида бўлади. 7 июнда эса горизонтнинг ғарб томонида қуёш ботгач, янгиой ингичка ўроқ шаклида кўринади. Худди шу куни ҳижрий календарь бўйича 1398 йилнинг еттинчи Ражаб ойи бошланади. 20 июнь кечқурун Ой шарқ томондан тўлин ой фазасида горизонтдан кўтарилади. Шундан сўнг Ойнинг ғарб томондан «емирилиши» бошланади ва 27 июнда у ўзининг охирги чорак фазасида «ярим кулча» шаклида кўзга ташланади.

Июнь ойида ҳамма планеталарни кузатиш учун ҳам қулай шароит бўлмайди, бу ой давомида осмонда оддий «қуролланмаган» кўз билан кўриш мумкин бўлган 5 та планетадан 4 тасини кўриш мумкин. Қуйида бу планеталарнинг осмондаги вазиятлари ва кўриниш шароитлари билан танишамиз:

МЕРКУРИЙ (Уторуд) июнь ойида Савр юлдуз туркумида ҳаракатланиб Қуёшдан жуда кичик бурчак масофада бўлади ва шунинг учун ҳам Қуёш шафағида «кўмилиб» кўзга кўринмайди.

ВЕНЕРА (Зуҳра) июнь ойида дастлаб Жавзо, сўнгра ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб саратон юлдуз туркуми (Рак)да ҳаракатланади. Планета Қуёш ботгач осмоннинг шимоли-ғарбий томонида кўринади. Планетанинг кўриниш даври июнь ойида тўхтовсиз камайиб боради (Планетанинг Қуёшга яқинлашиб бориши ҳисобига) ва Ой охирларига бориб кечки шафақ билан қисқа вақтга кўринадиган бўлиб қолади.

МАРС (Миррих) Асад (Лев) юлдуз туркумида бутун ой давомида «сайр» қилиб, 5 июнда унинг Сатурн билан қўшилиши (ундан жуда кичик бурчак масофадан ўтиши) кузатилади. Бунда Сатурннинг равшанлигидан Марсники қарийиб икки мартагача камлик қилади. 12 июнда Марс равшанлиги худди «Қизил планета»ники каби бўлган Асад юлдуз туркумининг альфаси (энг ёруғ юлдузи) яқинидан ўтиши кузатилади. Кечқурун планета осмоннинг зенитидан ғарб томонда кузатилиб, ярим кечага етмаёқ ботади. Бу даврда «Уруш худоси»нинг Ердан узоқлиги 265 миллион ёруғлик йилига тенг бўлади.

Ойнинг Марс яқинидан ўтиши 12 июнда кузатилади.

ЮПИТЕР (Муштарий) июнь ойида Жавзо юлдуз туркумида ҳаракатланишини давом қилади, бироқ Қуёшнинг ҳам кўринма йиллик йўли Жавзо орқали ўтганидан ва июннинг охирги декадасида Қуёш ҳам бу юлдуз туркумига «қадам ранжида» қилганидан июннинг ўрталарига бориб планетани кўриб бўлмай қолади. Бошқача айтганда, Юпитер осмонда горизонт устида кундузи ҳаракатланадиган бўлиб қолади. Натижада июннинг биринчи ярмида ғарб томонда кечки қуёш шафағидан сўнг кўринадиган Юпитер, ойнинг иккинчи ярмида унга яқинлашган қуёш шафағида «кўмилиб» кўз илғамайдиган бўлиб қолади.

Юпитер яқинидан Ойнинг ўтиши 7 июнда кузатилади.

САТУРН (Зуҳал) июнь ойида ҳам Асад юлдуз туркумида илгарилама ҳаракатланишини давом эттиради. Май ойида кечқурундан салкам тонг отгунча кўринадиган ҳалқали планета июнь ойида кечқурундан кўриниб, ярим кечага қолмай ботадиган бўлиб қолади.

5 июнда планетанинг Марс билан қўшилиши кузатилади. Сатурн ҳалқасининг энг катта юза билан кўриниши апрелнинг иккинчи ярмида кузатилган бўлиб, сўнгра унинг кўриниш юзаси камайиб боради. Унинг ҳалқасининг кенглиги қарийб 60 минг километрга бориб, энг чекка диаметри 280 минг километрни ташкил қилади. Ҳалқанинг ички қисми Сатурн сиртидан ўн минг километр баландликда бўлиб, АҚШ ўзининг ҳозир Юпитер билан Сатурн орасида «ҳалқали планета»ни «кўзлаб» кетаётган Пионер XI автоматик планетараро станциясини ҳалқа билан планета сирти орасидан ўтказишни мўлжалламоқда. Бу автоматик станция Сатурнга 1979 йилда етиб бориши кутилмоқда.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати, астроном.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

МЕҲНАТ ШОДЛИГИ ҲАҚИДА

(В. А. СУХОМЛИНСКИЙДАН)

- **Меҳнат қувончини бошқа ҳеч бир қувонч билан тенглаштириб бўлмайди. Меҳнат қувончи — бу турмуш гўзаллиги. Бу гўзалликка эришган бола ўз қадрини биладиган бўлади, у қийинчиликларни енгиб ўтгани учун ҳақли равишда фахрланади.**
- **Бор кучини ишга солиб меҳнат қила оладиган, тер тўкиб чарчашни билмайдиган кишиларгагина меҳнат завқини суриш насиб бўлади. Болалик муттасил байрамлардан иборат бўлмаслиги лозим. Агар болалар ўз қўлларидан келадиган иш билан машғул бўлиб турмасалар, улар меҳнат бахтидан маҳрум бўлиб қоладилар.**
- **Агар бола изчил меҳнат фаолиятига жалб қилинса, кун сайин ишлайвериб муайян натижаларга эриша борса, шундай бир кун келадики, энди уни меҳнат қилишга тарбиячи даъват этмай, балки ички бир куч — унинг ўз хоҳиш-истаги ишлашга мажбур қилади.**
- **Кишини ақлий меҳнат қилишга мажбур этиш жуда қийин, жисмоний меҳнатга мажбур қилиш анча осон. Жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатни бир-бирига қўшиб олиб бориш — энг яхши восита. Бу, ҳатто, ота-оналари ҳеч қачон ишлашга мажбур қилмаган энг дангаса болаларни меҳнатсеварликка ўргатишда ҳам ҳал қилувчи воситадир.**
- **Биз меҳнатнинг инсон қадр-қимматини оширувчи олижаноб кучига жуда ҳам ишонамиз. Агар бола кишилар учун қилинган ишга астойдил киришиб озгина бўлса-да, ҳисса қўшса ва бу меҳнатдан ўзи ҳам хурсанд бўлса, бундай бола ҳеч қачон жоҳил, ёмон одам бўлиб кетиши мумкин эмас.**
- **Ҳеч бир ишни ҳавас қилмайдиган, ҳеч нарсага қизиқмайдиган, меҳнатга бефарқ қарайдиган бирорта ҳам киши қолмаслиги керак. Ҳар ким ҳам олим, ёзувчи, артист бўлиб етиша олмайди, ҳар бир киши ҳам янгилик кашф эта олмайди, лекин ҳар бир киши ўз соҳасида, ўз ишида худди шоирдек, худди рассомдек тер тўкиб меҳнат қилиши керак, — бу шахснинг ҳар томонлама камол топишида ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ҳеч кимнинг қўл учида, шунчаки апил-тапил ишлашига йўл қўйиб бўлмайди.**

ОҚШОМ НАСИБАСИ

КАРАМ СОМСА

Карамни майдалаб чопинг, бунга пиёз, туз, қалампир ва ёғ аралаштиринг. Меъёрида ёғ қўшиб тайёрланган хамирдан жилл ясаб, карам қиймадан соласиз ва тугилган сомсани тандирга ёпиб пиширасиз. Агар газда пиширадиган бўлсангиз духовка патнисларига бир оз ёғ суркаб юборасиз. Карам сомсанинг хамири учун бир килограмм ун, икки стакан сув, икки чой қошиғида туз, ўттиз грамм хамиртуруш кетади.

ҚИЙМАСИГА: бир килограмм карам, 4—5 бош пиёз, 200 грамм қўй ёғи керак бўлади. Туз ва қалампир таъбга кўра солинади. Агар қийма селлироқ бўлсин десангиз бир дона помидорни эзиб қўшиб юборинг.

Я. ЗИСКИНД

БЎЁҚ

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

Саккиз ярим яшар Сеня Лобанов мактабдан шошиб-пишиб уйига келарди. Унинг кўриниши жиддий эди. У дарсликлари солинган эски портфели билан бирга хўжалик халтасини судраб келарди. Халтада бир килограммча келадиган мой бўёқли банка бор эди.

— Онаси, мана! — деди вазминлик билан Сеня ва хўжалик халтасини ойисига узатди.

— Нима у?

— Бўёқ! Мой буёқ!

— Қаёқдан олдинг? — деб ҳайрон бўлди Полина Юрьевна.

— Мактабдан.

Она халтадан бўёқли банкани олиб, савол назари билан ўғлига қаради. Ўғли бепарво қўл силкиб, кўзини қисиб қўйди:

— Ҳечқиси йўқ, камайиб қолмайди.

— Тўғри, камайиб қолмайди! — деб қўшилди Полина Юрьевна. Лекин шу заҳотиёқ хатога йўл қўйганини сезиб қолди: — Менга қара, ўғлим, нима... сизларга совға қилиб беришдими?

— Қизиқсиз-а, бизнинг замонда ким бўёқни совға қилади? — деб сўради Сеня бировнинг сўзини такрорлаётгандек.

— Нима, уни ўзинг олдингми? — Полина Юрьевна, ҳатто, қўрқиб кетди.

— Ўзим олдим?

...Кечқурунги овқатдан кейин орадан уч соатча ўтган эди. Сенянинг адаси хотини билан кўз уриштириб, меҳрибонлик билан ўғлидан сўради:

— Менга қара, ўғлим, бу бўёқни сен қаердан олдинг?

— Мактабдан, — деди Сеня расм солишда давом этиб ва кўзини айёрона қисиб қўйди. — Ҳечқиси йўқ, камайиб қолмайди.

— Нима?

— Ўзингиз, ҳечқиси йўқ, камайиб қолмайди, деган эдингизку!

— Мен-а? Қачон?

— Заводдан елим олиб келганингизда-чи! Кейин ранда олиб келгансиз. Тахта олиб келиб, шкаф ясадингиз. Фанер олиб келганда ҳам айтгансиз.

— Мен ҳеч нима демаганман!

— Айтгансиз! Ёлғон гапираётган бўлсам, турган еримда қотиб қолай, айтгансиз!

— Ҳа, майли, айтганман, дейлик. Лекин, билиб қўй: завод — мактаб эмас. Заводдан олишнинг фарқи бор.

— Қандақа фарқи бор? — деб сўради Сеня.

— Жуда катта фарқи бор. Завод — бой бўлади. Мактаб эса... мактабни хафа қилиш мумкин эмас.

— Заводни хафа қилиш мумкинми? — деб сўради Сеня.

— Бунга заводнинг нима алоқаси бор? Сенга рус тилида гапиряпман-ку: мактабдан олиш мумкин эмас...

— Демак, сизга мумкин, Витьканинг адасига мумкин, бизга эса, демак...

— Тушунсанг-чи, ўғлим, — гапга аралашди онаси, — улар катта кишилар, сизлар бўлсангиз...

— Полина, сен тўхтаб тур, — деб унинг сўзини бўлди адаси.

— Гап унда эмас. Сен, ўғлим, менинг гапимни эшит. Ҳозирги пайтда сенинг вазифанг нимадан иборат? Ўқишдан. Вассалом! Кимнинг нима қилиши мумкинлигини катта бўлганингда билиб оласан.

— Нима, мен тентакмидим, сизга? Ҳозир ҳам ҳаммасини биламан, — деди хафа бўлиб Сеня.

— Вой худойим-ей! Тентакманми, деганинг нимаси? — яна гапга аралашди Полина Юрьевна. — Сен — ўқувчисан. Тушундингми? Бундай ишлар учун қандай кўнгилсизликлар бўлишини биласанми ўзинг?

— Адам билан ундақа кўнгилсизликлар бўлмайдими?

— Нима учун, ахир, доим ўзингни мен билан солиштиравераcан? — деди жаҳли чиқиб адаси. — Мен катта кишиман, кейин... хуллас, сен мендан ўрнак олма.

— Мактабда бўлса, ўз оталарингдан ўрнак олинглар, дейишади!

— Менга қара, ўғлим, — деди Полина Юрьевна ва эрига ачиниб қараб қўйди, — ташқарига чиқиб ўйнаб келгин! Баҳридилинг очилсин!

С. ЙЎЛДОШЕВ
таржимаси.

ЭЛИСТА. Қалмағистон пойтахтида истиқомат қилувчилар давлат автоинспекциясининг сержанти Николай Иванович ва ўқитувчи Татьяна Федоровна Бакаевалар оиласи бирданига уч кишига кўпайди. Қизалоқ — эгизакларга Ирина, Марина, Анна номлари берилди. Эгизаклар яхши ўсмоқда. Биринчи ой мобайнида уларнинг ҳар бирининг оғирлиги 550 граммга ортди ҳамда бўйлари 3 сантиметрга ўсди.

СУРАТДА: эгизак бакаеваларга участка врач-педиатри В. С. Ванькаева хизмат кўрсатмоқда. Чапда — қизчаларнинг онаси Татьяна Федоровна.

ТАСС фотохроникаси.

МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН

◆ Баъзан овқат пиширилган идишнинг ичи қорайиб қолади. Бундай алюминий идишга сирка қўшилган сув солиб қайнатсангиз, қораси осонгина ювилиб кетади.

◆ Идишни духовкага ёки оловга қўйганда пайдо бўладиган жигарранг доғни намланган туз билан ишқалаб кетказса бўлади.

◆ Буфетингизда ёқимсиз ҳид бўлса, янчилган кофени қоғозга солиб қўйсангиз, буфетдаги ҳид йўқолади.

◆ Това ёки қозонда балиқ қовирилгач, унда ҳид қолади. Бундай идишни қуюқ чой билан ювсангиз балиқ ҳиди қолмайди.

◆ Агар уйда сут ачиб қолган бўлса, уни тўкмасдан хамирга ишлатиб юборсангиз, бунда хамир янги сутга қорилган хамирдан ҳеч фарқ қилмайди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ДЕҲҚОНЛАР КУНИ

ГАВАНА. Майда деҳқонлар миллий уюшмасининг аъзолари бўлган Куба қишлоқ меҳнаткашлари деҳқонлар кунини кенг нишонладилар. Барча вилоятларда бўлиб ўтган тантанали йиғилишларда куба деҳқонлари социалистик қурилишга, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга энг кўп ҳисса қўшишга аҳд қилганликларини таъкидладилар. Қишлоқ меҳнаткашлари халқ ҳокимияти йиллари мобайнида Куба қишлоқларида рўй берган катта-катта ўзгаришларга юксак баҳо бердилар. Қишлоқларда саводсизлик тугатилди, деҳқонларнинг моддий, маданий савияси ва умумий маълумоти ошди.

БЕБАҲО БИЛИМ МАНБАИ

ВАРШАВА. ПБИП Марказий Комитетининг органи «Трибуна люду» газетаси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» номли эсдаликлар китоби тўғрисида эълон қилган мақоласида бу китобнинг жуда катта сиёсий-тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини, ундаги тарихий ҳақиқат, ғоявий-назарий теранликни уқтириб ўтади.

Мақолада бундай дейилади: Л. И. Брежнев уруш етказган вайронгарчиликдан кейин ўз мамлакатини тиклаган совет кишилари фидокорона курашининг, фидойилиги ва қаҳрамонларча ғайратининг моҳиятини ишонтирарли ва оммабоп тарзда тасвирлаб берган. Л. И. Брежневнинг эсдаликлари гитлерчилар вайрон қилган Варшавани ва Польшанинг бошқа шаҳарларини култепалардан қайта тиклаб олган биз, поляклар учун яқин ва тушунарлидир.

Л. И. Брежнев янги асарининг қиммати советлар мамлакати халқ хўжалигини муваффақиятли тиклаш жараёни тўғрисида ҳужжатлар асосида ҳикоя қилиб берилганлигидангина иборат эмас. Бу китобнинг жуда катта аҳамияти аввало шундаки, китобда оммага раҳбарлик қилиш ленинча услубининг асосий принциплари баён қилиб берилган. Бу принциплар социализм ва коммунизм қурилишининг муҳим вазифаларини ҳал этиш учун катта сафарбар этувчи аҳамиятга эга.

«Трибуна люду» газетаси уқтирадики, «Тикланиш» саҳифаларида келтирилган конкрет мисоллар партия раҳбарлиги ленинча методларини ёрқин тасвирлайди, кишиларни тарбиялашга пухта ўйлаб ёндошишни ўргатади. Раҳбарнинг шахсан намуна кўрсатиши эса бу соҳада катта роль ўйнайди, деб ёзади газета. Мана шуларнинг ҳаммаси советлар мамлакати халқ хўжалигини тиклашга доир мураккаб проблемаларни ҳал этишга имкон берди, совет халқининг кейинги йилларда муваффақиятларга эришувини таъминлади.

«Трибуна люду» газетаси яна бундай деб ёзади: Л. И. Брежнев эсдаликлари китобининг таъсир кучи унда илгари сурилган проблемаларнинг муҳимлиги билан бевосита боғланганлигидадир.

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикаси революцион кенгашининг раиси ва бош министри Нурмуҳаммад Тараки мамлакатнинг турли районларидан келган халқ вакиллари билан учрашувида бундай деди: меҳнаткашлар иродаси ва уларнинг ёрдами билан халқ демократик партияси амалга оширган 27 апрель революциясининг мақсади эксплуататорларни ва реакцион ҳукмронларни тугатишдир. Революция ҳокимиятни деҳқонлар, ишчилар, ҳунармандларнинг — барча меҳнаткашларнинг вакиллари қўлига топшириш ниятидадир. Шунинг учун ҳам у халқ революцияси бўлиб, халққа хизмат қилади.

Н. Тараки таъкидлаб ўтдики, ҳокимиятни эксплуататорлар қўлида сақлаб қолиш мақсадида турли элатлар ўртасида низолар келтириб чиқариш замонлари ўтиб кетди. У Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати камситиш, жабр-зулм ва зўравонликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашади. Халқнинг турмуш даражасини ошириш учун курашади, деб халқ вакилларига ваъда берди.

Н. Тараки ташқи сиёсат масалаларига тўхталиб, Афғонистон бирон бир шарт қўймаган ҳолда унинг ривожланишига ёрдам берадиган ҳамма мамлакатлар билан янада мустаҳкам алоқа ўрнатади, деб айтди. У уқтириб ўтдики, мамлакат ичкарисида ва унинг ташқарисида Афғонистонга қарши ёлғон пропаганда олиб бораётган душманлар иш кўрмоқда. Шунинг учун афғон халқи ҳушёр бўлиши керак.

физкультура ва СПОРТ

• Июнь баҳслари

БЕЛЛАШУВЛАР, ТУРНИРЛАР

Ўзбекистон ССР спорт комитетининг ўтказадиган тадбирлари календарида шу ойда спортнинг ўн тўрт тури бўйича 20 республика биринчилигини ўтказиш белгиланган. Республикамиз командаси эса турли спорт турлари бўйича ўтказиладиган 13 Бутуниттифоқ мусобақаларида иштирок этади.

Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программасига киритилган баҳслар ниҳоясига етмоқда. Спортнинг 26 тури бўйича беллашувлар ўтказилиб, ғолиблар аниқланди. Июнь ойида эса спортнинг қолган уч тури бўйича беллашувлар ўтказилади. 24 ва 25 июнь кунлари Фарғонада енгил атлетика, 16 июндан 21 июнга қадар Андижонда чим-хоккей, 13 июндан 17 июнга қадар Тошкентда спорт гимнастикаси бўйича баҳслар бўлиб ўтади.

Дастлабки натижаларга кўра тошкентлик спортчилар олдинда боришмоқда. Тошкент области ва Андижон областининг терма командалари ҳам юқори ўринлардан жой олиб туришибди.

13—16 июнь кунлари Марказий «Юбилей» спорт залида бўладиган самбо бўйича СССР шахсий биринчилиги катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу беллашувларни тошкентликлар томоша қилишлари мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон пойтахтида истиқомат қилувчи спорт ишқибозлари кўпгина республика ва Бутуниттифоқ мусобақаларни томоша қилиш имконига эгалар. «Восток» спорт клубининг тирида мўлжалга отиш бўйича республика биринчиликлари ўтказилади. 24—26 июнь кунлари аёллар командалари баҳсни бошлашади. 28 июнь куни эса ёшлар ва қизлар мусобақаси бошланади.

2 июнь куни Тошкентдаги шахмат-шашка клубида эркаклар ўртасида рус шашкаси бўйича Ўзбекистон чемпионатининг байроғи кўтарилади. 14 июнь куни биз республикамизнинг янги чемпиони билан танишамиз.

Ўзбекистон шашка федерацияси 6—28 июнь кунлари Тошкентда халқаро спорт мастери С. Давидов иштирокида юз катакли шашка бўйича гроссмейстерлар турнирини ўтказади.

21 июнь куни Наманганда «Мўъжиза-шашка» X республика мусобақасининг байроғи кўтарилади. Тошкентдаги 89-мактабнинг ёш шахматчилари Белци шаҳрига боришади. Бу ерда 2-13 июнь кунлари «Оқ рух» Бутуниттифоқ пионер ўйинлари бўлиб ўтади.

24—25 июнь кунлари Тошкентда стендга отиш бўйича Ўзбекистон шахсий-команда чемпионати бўлиб ўтади. 6—10 июнь кунлари Фарғонада бокс бўйича республика команда чемпионати ўтказилади.

Бу йил баскетбол бўйича Ўзбекистон чемпионати икки группада ўтказилмоқда. Бу группаларда кўнгилли спорт жамиятлари ва идоралар, область мусобақаларнинг ғолиблари бўлган физкультура коллективлари иштирок этишмоқда. Иккинчи группа (аёллар ва эркаклар) 23—25 июнь кунлари Нукусда беллашадилар. Биринчи группа ўйинлари эса 14—18 июнь кунлари Сирдарё областининг «Малик» совхозида (аёллар командалари), эркаклар командалари мусобақаси эса Янгиободда бўлиб ўтади.

Кураш бўйича «Физкультурник Узбекистана» ва «Ўзбекистон физкультурачиси» газетларининг совринлари учун Ўзбекистоннинг мутлақ биринчилиги чемпионатини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Фарғонача усул бўйича ўтказиладиган беллашувлар Фарғона областининг Водил посёлкасида 12—14 июнь кунлари, бухороча усул бўйича Китобда 28—30 июнь кунлари бўлади. 2—4 июнь кунлари Қўқонда фарғонача усул бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети совринлари учун Ўзбекистон шахсий команда биринчилиги ўтказилади.

Шу ойда шунингдек, Тошкентда классик кураш, сузиш, батутда сакраш бўйича республика мусобақалари ўтказилади. Тошкент денгизида 21—29 июнь кунлари ёшлар ўртасида елканли спорт бўйича республика шахсий биринчилиги баҳслари бўлиб ўтади.

2—6 июнь кунлари қўл тўпи бўйича Тошкентда аёллар командалари ўртасида СССР кубоги зонал ўйинлари бўлиб ўтади. Бу беллашувларда тўқимачилик комбинатининг спортчилари иштирок этишади. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг эркаклар командаси эса Фрунзе шаҳрида бўладиган беллашувларда қатнашади.

Ўзбекистон енгил атлетикачилари узоқ масофага юриш бўйича ва лўкиллаб юриш бўйича ўтказиладиган СССР биринчилигида иштирок этадилар. Бу беллашувлар 24—25 июнь кунлари Москва шаҳрида бўлади. Енгил атлетикачилар шунингдек, «Правда» газетаси совринлари учун Тбилиси шаҳрида 15-17 июнь кунлари бўладиган Бутуниттифоқ мусобақаларида иштирок этишади.

Теннис бўйича Ўзбекистон командалари СССР кубоги ўйинларининг дастлабки беллашувларини ўтказишади. Аёллар Олмаота, эркаклар эса Душанба шаҳрида беллашадилар.

Футбол ишқибозлари ҳам бир неча қизиқарли учрашувларнинг гувоҳи бўлишади. «Пахтакор»нинг навбатдаги ўйинлари ҳақида радио ва телевизион репортажлар берилади. 3 июнь куни «Пахтакор» ўз майдонида Ворошиловграднинг «Заря» командасини қабул қилади. 12 ва 16 июнь кунлари эса пахтакорчилар Москва шаҳрида маҳаллий «Динамо» ва «Торпедо» командаларининг ўйинчилари билан майдонга чиқишади. Улар 26 июнь куни яна ўз майдонларида Москванинг «Спартак» командаси футболчилари билан беллашадилар.

П. КОНОВАЛОВ,
республика спорт комитетининг катта тренери.

ҚЎРИҚДА ҲАМ ЧИМ ХОККЕЙИ

Спортнинг янги тури — чим хоккейи қўриқ ерда ҳам ўйнала бошлади. Ҳавосда «Локомотив» спорт жамияти томонидан қизлар командаси тузилди. Бу командага 89-темир йўл мактабининг юқори синф қизлари кирдилар.

Андижон область ижроия комитети соврини учун ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаси бу қизларга биринчи куч синаш бўлди. Мусобақада биринчи марта қатнашаётган ёш хоккейчилар «Б» группасида тўққизинчи ўринни эгалладилар. Улар энди Тошкентда ўтказиладиган «Олтин куз» анъанавий мусобақасида иштирок этиш истагини билдирмоқдалар.

(ЎзТАГ).

СУРАТДА: пойтахтдаги «Динамо» спорт жамиятининг велоспортчилари машғулот пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

Мусобақалар хроникаси

Тошкентнинг «Политехника» командаси регби бўйича СССР кубоги ўйинларини ғалаба билан бошлади. Дастлабки учрашувда ҳамшаҳарларимиз Фарғона шаҳрининг «Факел» командасининг регбичилари билан майдонга чиқишди. Ниҳоятда қизиқарли ўтган учрашувда 35 : 17 ҳисоби қайд қилинди. Фарғонада ўтказилган такрорий учрашув янада кескин вазиятда ўтди. Ғолиб фақат сўнгги минутлардагина аниқланди. Бу сафар 16 : 13 ҳисобида фарғоналиклар ғалабага эришдилар. Аммо ўйинлар шартига кўра Тошкентнинг «Политехника» командаси мамлакат кубоги ўйинларининг 1/16 финал учрашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

* * *

Спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган республика шахсий команда чемпионатида кутилмаган ҳодисалар бўлмади. Аввалдан тахмин қилинганидек, шахсий биринчилик баҳсларида тошкентлик динамочи О. Тимофеева яхши маҳорат кўрсатиб, чемпионлик унвонини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Эркаклар ўртасидаги беллашувда эса Тошкент Армия спорт клубининг вакили Е. Маркелов мусобақа шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Команда ҳисобида «Спартак» жамиятининг гимнастикачилари ғолиб чиқишди. Улар маҳорат жиҳатидан ўзларидан кам бўлмаган «Буревестник» ва «Меҳнат» жамиятларининг спортчиларини ортда қолдиришга муваффақ бўлишди. Чемпионат ниҳоясида Тошкентда бўладиган спорт гимнастикаси бўйича халқаро турнирда республикамиз шарафини ҳимоя қиладиган гимнастикачилари саралаб олинди.

* * *

Ўзбекистон XVIII спартакиадаси доирасига кирувчи ёшлар ўйинлари баҳслари давом этмоқда. Жумладан, Термиз шаҳрида камондан отиш мусобақалари бўлиб ўтди. Бу беллашувларда тошкентлик спортчилар юқори маҳорат кўрсатиб биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Шахсий ҳисобда тошкентлик камончилардан А. Чернова ва А. Колсановлар ғолиб чиқишди.

Бош судьялар коллегияси командалар баҳсларига дастлабки тахминий якун чиқаришди. Ҳозирча тошкентлик спортчилар олдинда боришмоқда. Улар иккинчи ва учинчи ўринда бораётган Тошкент ва Андижон областларининг командаларидан анча кўп очко тўплашган.

* * *

Теннис бўйича ёшлар ўйинлари программаси доирасида ўтказилган якка ўсмирлар турнирининг финал беллашувида тошкентлик С. Волнов ва И. Йўлчибоевлар учрашдилар. Бунда Волнов ғолиб чиқди. Орадан кўп ўтмасдан бу икки теннисчи жуфт разрядлилар баҳсида ҳамкорликда қатнашиб биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. С. Волнов шунингдек М. Юшченко билан ҳамкорликда аралаш разрядлилар баҳсида ҳам ғолиб чиқди.

ТЕЖАМЛИ АВТОМОБИЛЬ

Наманган йўлларида суюлтирилган газ тўлдирилган махсус баллонли автомашиналар пайдо бўлди. Уни Рязань автомобиль аппаратлари заводи ясаган. «Наманганоблгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари дастлабки ўнта «ЗИЛ—130» юк машиналарини мослаб ускуналадилар. Янги ёнилғи битта қатнов нархини тўрт баравар арзонлаштирди. 100 килограммли баллон 450 километр йўл босишга кифоя қилади.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигида маълум қилишларича, битта машинани суюлтирилган газга мослаб ускуналаш бир йилда минг сўм пулни тежайди.

◆ КЎНГИЛЛИ ХАЛҚ ДРУЖИНАЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

Бўлимимизнинг ҳушёр ходимлари енгил-елпи йўл билан мўмай пул топиш эвазига кун кечираётган айрим шахсларга қарши аёвсиз кураш олиб бормоқдалар. Бунда уларга жамоатчилик катта ёрдам кўрсатмоқда.

Саноат корхоналарининг илғор ишчилари, коммунистлар, оловқалб комсомол-ёшлар рейдларда фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, Қўйлиқ бозорида чайқовчилик қилаётган шахсларни фош қилишда электротехника корхонасининг ишчилари Н. Олимов, А. Холиқов, пенсионер Қ. Исматовлар катта ёрдам бердилар.

Пискент районида истиқомат қилувчи шифокор О. Мирсоатов савдогарчилик қилиб, бойлик орттирмоқчи бўлди. У деҳқонлардан 128 килограмм анорни арзон нархда сотиб олиб, уни 520 сўмга пуллаётган вақтда қўлга тушди.

И. Нишонов устомон савдогарлардан. Чирчиқ шаҳридан келиб 370 сўмлик писта олаётганида кўнгилли халқ дружиначилари томонидан қўлга туширилди. Унинг ҳамкасби А. Кимнинг ҳам салкам 200 килограмм пистани қўшимча нархда сотиш билан мўмай пул орттириш ҳақидаги хаёллари пучга чиқди.

Вокзал майдонидаги 1-озиқ-овқат магазини сотувчиси Умри Муталова текширишда харидор ҳақидан 25 тийин уриб қолганлиги маълум бўлди.

Кўнгилли халқ дружиначиларимиз ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар жамият бойлигини сақлаш, жамиятимизга ёт иллатларга қарши курашда милицияга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Н. САЙФИДДИНОВ,
Ленин райони ОБХСС бўлимининг катта инспектори.

◆ СИНОПТИК МАЪЛУМОТИ

ИЮНДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ёзнинг дастлабки ойи бўлган июнда Тошкент шаҳри ва пойтахт областида ҳаво қуруқ ва иссиқ бўлади.

Ой давомида кундузи 32-37, кечалари 17-22, айрим кунлари эса кундузи 38-40 даража иссиқ бўлиши кутилади. Ойнинг биринчи ва тўртинчи беш кунлигида ҳавонинг ана шундай бўлиши ҳисобга олинди. Қолган кунлари эса кечалари 13-18, кундуз кунлари 28—33 даража иссиқ бўлиши кутилади.

Ойнинг дастлабки кунларида, шунингдек, учинчи ўн кунлигида момақалдироқ бўлиб, қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтиши мумкин.

Ой давомида ёғингарчиликнинг умумий миқдори 0,5 миллиметрдан иборат. Бу одатда июнь ойи нормасидан бирмунча камдир.

Х. ХИСАМИЕВА,
СарНИГМИ катта синоптик инженери.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

БЎШ ШИША ИДИШЛАРНИ ТОПШИРИНГ!

ШИША ИДИШЛАРНИ МАГАЗИНЛАРГА ТОПШИРИНГ!

ҲУРМАТЛИ УЙ БЕКАЛАРИ!

Уйингизда сметана, мойонез, шарбат, компотдан бўшаган банкалар, пахта ёғи, минерал суви, лимонад, пиводан бўшаган бўш шишаларнинг йиғилиб қолишига йўл қўйманг.

Улар саноатимиз учун жуда зарурдир. Бўш шиша идишларни магазинларга топширинг.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ МАГАЗИНЛАРИ ВА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҲАР ХИЛ ҲАЖМДАГИ БЎШ ШИША ИДИШЛАРНИ ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

СОТИБ ОЛАДИ

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

2 — Привокзальная майдони.
10 — Қўйлиқ бозори.
12 — Стародубцев кўчаси, 146-уй.
14 — «Новий путь» кўчаси.
16 — Фоменко кўчаси, 64-уй.
18 — 3-Қўйлиқ массиви, 33-уй.
20 — Қўйлиқ массиви, 16-уй.
22 — Мунис кўчаси, 1-уй.
31 — Куйбишев кўчаси, 844-уй.
50 — Олтинкўл кўчаси, 92-уй.
53 — Куйбишев шоссеси, 532-уй.

Шиша идишлар қабул қилинмаган тақдирда 33-78-24 телефон бўйича мурожаат қилинг.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитети

23-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: дурадгор (ўқиш муддати — 1 йил), паркетчи (1 йил), сувоқчи-бўёқчи (1 йил), плитка терувчи (1 йил).

Қурилиш бўёқчиси (ўқиш муддати — 3 йил), пардозловчи-плиткачи (3 йил), қурилиш дурадгори (3 йил), ёғоч ўймакори (3 йил) группаларини битирганларга ўрта маълумот ҳақида аттестат ва билим юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом берилади.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Шаҳар атрофидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Қурилиш объектларида амалий машғулотлар ўтказиладиган пайтларда ўқувчиларга иш ҳақининг 33 проценти тўланади.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, формали кийимлар ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли тамомлаган йигит-қизлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқув устахоналари, предмет кабинетлари замонавий техник воситалари ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, саккиз йиллик ёки ўрта мактабни тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона расм, характеристика, медицина справкаси.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Астраханская кўчаси. 12-уй (5-трамвайнинг «Кўк бозор», 12-трамвай ва 22-автобуснинг «Дегтярёв кўчаси», 9-автобуснинг «Весна» бекатлари). Телефонлар: 91-26-47; 91-29-50; 91-29-40.

ТОШКЕНТ ШАҲАР

57-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978-79 ўқув йили учун

Қуйидаги касблар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автослесарлар, совутиш қурилмалари бўйича механиклар, металл бўйича токарлар, фрезерчилар, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь-механиклар, электр-газ пайвандчилар, мебелчи дурадгорлар, электр ускуналарини ремонт қилувчи электромонтёрлар, кабель ишлаб чиқариш бўйича электромонтёрлар.

Ўқиш муддати— 3 йил.

Мазкур группаларга 8-синфни тамом қилган йигит ва қизлар қабул қилинади ва шу даврда улар ўрта ва умумий таълим ҳам олишади.

Машғулотлар— 1978 йил 1 сентябрдан бошланади.

Ўқувчилар ўқиш вақтида бепул кийим-кечак ва кунига 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамом қилган ўқувчилар олий ва махсус ўрта таълим ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ишлаб чиқариш стажисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, соғлиғи ҳақидаги справка, 6 та 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, турар жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар Высоковольтний массиви, 3-сектор, 7-поликлиника ёнида (4-автобуснинг «Морозов кўчаси», 13, 22-трамвайларнинг «Маиший хизмат кўрсатиш уйи» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978— 1979 ўқув йилига

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрейшчиклар, сувоқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, саноат ускуналарини тузатиш бўйича слесарлар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи, монтажчилар, дурадгор-паркетчилар.

Ўқиш муддати— 1-2-3 йил.

Билим юртига 8— 10-синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшда бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан қўшиб топширилади: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиғи ҳақида справка, 6 дона фотосурат (3х3 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Билим юртининг адреси: 700081, Тошкент шаҳар-81, Домбробод кўчаси 74-уй (54, 33, 50, 84, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16 поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

5-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Билим юртида ҳар йили эркаклар ва болалар костюмини тикувчилар, аёллар ва болалар пальтосини тикувчилар, аёллар ва болалар енгил кўйлакларини тикувчилар ихтисослиги бўйича 1000 га яқин ўқувчи таълим олади.

Ўқиш муддати — 1 йил. Ойига 30 сўм стипендия.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойи ва ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), директор номига ариза, 4 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида), мактабдан характеристика.

Билим юртида «Ўз касбининг устаси», «Биринчи энг яхши маҳсулот» конкурслари ўтказиб борилади.

«Ёш ишчи куни»да ўқувчилар ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар билан учрашадилар.

Техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секцияларида машғулотлар мунтазам ўтказиб борилади.

Билим юрти адреси: Тошкент —100, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 53-36-45, 53-73-09.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

1 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Қувноқ стартлар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Бошқарув — ташаббус, ижодкорлик». 19.15 Брно шаҳар радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти (ЧССР). 20.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Сендан ўзга эмас». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 Қорақалпоқ шоири Бердақ туғилган куннинг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча. А. Фадеев номли адабиётчилар Марказий уйидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.00 «Ўзбек цирки». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.30 «Қуёшли ўлка маршрутлари». 18.45 «Бахтли болалик». Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишланган кўрсатув. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Илҳом». Ижодкор ёшлар телевизион клуби. 20.20 «Олмалиқ шаҳри». Телевизион фильм. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Тоза қалб узра». Музикали программа. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 Москва «Қорақалпоқ шоири Бердақ туғилган куннинг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча. А. Фадеев номли адабиётчилар Марказий уйидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

2 ИЮНЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.10 Тбилиси шаҳар болалар ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 10.40 «Сендан ўзга эмас». Бадиий фильм. 15.30 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. «Қорақумдаги Нептун», «Минглаб учқунлар», «Цирк болалари». 16.20 «Шахмат мактаби». «Оқ рух». 16.50 «Москва ва москваликлар». 17.20 «Жаҳон халқларининг ижоди».

17.50 В. С. Зорин. «Жануб дарвозаси». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Польша— ГФР терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 20.15 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Ёш ижрочилар Бутуниттифоқ телевизион конкурсининг финали. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Концертнинг давоми. 23.30 «Ҳайкал». Фильм-концерт премьераси. А. С. Пушкинга бағишланади. 00.20 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Сени шарафлаймиз, шонли комсомол». 11.45 «Дўстим Колька». Бадиий фильм. 13.00 «Ўқитувчи экрани». 13.30 Телевизион новеллалар театри. А. Макеев. «Худди эртакдагидек».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Туғилган кун». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен— Совет Иттифоқи гражданиман». 18.45 «Идеология ва ҳаёт». Тележурнал. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Телевизион театр почтаси». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Бизга мактуб йўллабсиз». Музикали программа. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари». 22.30 «Телевидение экранида биринчи марта». «Насимий». Бадиий фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Даврон ва дўстлари». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Депутат ва ҳаёт». 21.05 «Надежда». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 Абитуриентлар учун. Физика.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1978 йилнинг иккинчи ярим йиллигида олиш учун БАЪЗИ БИР МАРКАЗИЙ ВА РЕСПУБЛИКА ЖУРНАЛЛАРИГА

ОБУНА БОШЛАНДИ

Июль ойидан бошлаб обуна бўлиб олинадиган журналлар рўйхати билан «Союзпечать» агентлигида ва алоқа бўлимларида танишиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти томонидан **Дадажонова Зумрад** номига берилган 53263 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

1 ИЮНЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р. 03352. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1323.